Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

№ 213 (20. 181) • 1988 йил 16 сентябрь • жума

Баҳоси 3 тийин.

• Озиқ-овқат турмушимизнинг энг нозик, ўткир муаммоси

МЕҲНАТ РАПОРТИ

Риштон районидаги «Ленинград» совхозининг деҳқонлари картошка етиштириш бўйича ўн иккинчи беш йилликнинг учинчи йили планини бажардилар. Пайкаллардан 3900 тонна ўрнига 4057 тонна картошка йиғиштириб олинди. Ҳосилдорлик гектар бошига 201 центнерни ташкил этди.

Эришилган муваффақиятга совхознинг «Коммунизм» ва «Ленинобод» бўлимлари муносиб ҳисса қўшди. Айниқса, Э. Қамбаров, Н. Мамадиев, З. Каримов бошлиқ бригадаларнинг коллективлари зарбдорларча меҳнат қилиб, социалистик мусобақада пешқадамлик қилдилар. Ҳали пайкалларда ҳосил кўп. Деҳқонлар яна 1100 тонна картошка етказиб беришга аҳд қилишган.

М. МИРЗАЕВ.

ЭЪТИБОР — МУСОБАҚА ҒОЛИБИ

Вобкент районидаги «Октябрь» колхози чорвадорлари ўртасидаги ўзаро социалистик мусобақада Эътибор Жумаева голибликни қўлга киритди. У ўзига бириктирилган 16 бош сигирнинг ҳар биридан пландаги 1740 килограмм ўрнига 2182 килограммдан серқаймоқ сут соғиб олди. «Оқ чашма» соҳибасининг ҳамкасабалари — М. Гадоева, Р. Халилова, Ш. Рашидова, С. Ашуровалар ҳам ундан қолишмасликка ҳаракат қилишяпти.

Район Советининг депутати Эътибор Жумаева говмишларни аниқ рацион асосида парваришлаб, ҳар куни 80-90 килограммдан сут соғиб олишга эришмоқда.

М. АБДУЛЛАЕВА.

МИХАИЛ СЕРГЕЕВИЧ, ЁНИМИЗГА КЕЛИНГ

КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг Норильск меҳнаткашлари билан учрашувлари

НОРИЛЬСК, 14 сентябрь. М. С. Горбачевнинг Красноярск ўлкаси бўйлаб амалий командировкаси учинчи кунининг маршрути қутбдаги Норильск орқали ўтди. Салкам эллик йил муқаддам Таймир ўрмон тундрасида қад кўтарган бу шаҳар эндиликда мамлакат шимолидаги катта индустриал марказ бўлиб қолди.

Дастлаб ёш Кайеркан шаҳрида тўхтаб ўтилди. Шаҳар аҳли билан суҳбатда Бош секретарь социал соҳа масалалари, шимолликларнинг шаҳарни ривожлантириш истиқболлари тўғрисидаги фикри, атроф муҳитни муҳофаза қилиш муаммолари билан қизикди. У олис шимолдаги янги демография тенденцияларидан мамнуният изҳор қилди. Илгари ишчилар ва мутахассислар кон-металлургия комбинатида шартнома асосида ишлаб «қитъага» қайтган бўлсалар, эндиликда кўпинча шу ерда қолмоқдалар.

Норильск шаҳрининг бутун 250 минг кишилик аҳолиси Михаил Сергеевич билан саломлашиш учун шаҳар кўчаларига чиққандек эди. Шаҳар ичига кириб, бу ердаги майдонлардан бирида машинадан чиқиши биланоқ одамлар уни қуршаб олишди.

Ўлкангизга келишни кўпдан орзу қилардим, деди у. Марказий Комитет ва ҳукумат номидан энг аввало сизларга шуни айтаманки, биз сизларнинг меҳнатингизни жуда қадрлаймиз. Бу ерда сизлар ғоят муҳим ишни бажаряпсизлар. Норильск билан сиртдан яхши таништим. Шунга қарамай юз марта эшитгандан бир марта кўрган яхшироқ. Сизларда ҳам муаммолар кўплигини биламан.

Овоз: — Муаммолар бор, айниқса —атроф муҳитни муҳофаза қилиш.

М. С. Горбачев: Бу ҳақда гаплашиб олдик. Кеча Красноярск илмий марказидаги учрашувда ўлкани ривожлантириш учун биринчи даражали аҳамиятга эга бўлган кўпгина масалаларни, шу жумладан экология муаммосини эътибор билан кўриб чиқдик. Бу муаммо Красноярскда ўткир бўлиб турибди. Норильскда эса айниқса ўткир. Бироқ бу муаммони бирданига ҳал қилиб бўлмаслигини эсда тутиш керак, ҳатто фан ҳам нима қилишни билмаяпти. Лекин нима иш қилиш зарурлиги равшан бўлган жойларда пулни топамиз. Ана ўшанда ишни дарҳол ўнглаб олиш керак. Мактабгача тарбия болалар муассасалари масаласи ҳам кўтарилди. Сизларда болалар боғчалари етишмаслигини билмас эканман.

Овоз: Ҳа, ҳа, ҳалиям етишмаяпти...

М. С. Горбачев: Мен ўлканинг, Норильск шаҳри ва бирлашманинг раҳбарларига сизларнинг ўлкангиз каби жойда болалар муассасаларидаги ўринларнинг етишмаслиги қўпол хато эканлигини айтдим. Биз мактабгача тарбия болалар муассасалари муаммосини тугатиш тўғрисида келишиб олдик.

«Михаил Сергеевич, ёнимизга келинг», — Бош секретарь қаерда тўхтаб ўтса, бугун ҳамма жойда норильскликларнинг ана шундай таклифи эшитилди.

Одамлар шаҳар Совети ёки корхона ҳал қилиши мумкин бўлган илтимослар билан ҳам мурожаат қилардилар.

Михаил Сергеевич, деди кекса ишчи, майда-чуйда ишлар тўғрисида гапириш ноқулай, лекин афсуски, гапиришга тўғри келади. Мана олти йилдирки, уй атрофига металл қириндиси аралашган шлак сепишган, шундайлигича қолиб кетди — пойабзалингиз қирқилиб кетади, болаларни ҳовлига чиқаришга қўрқасан киши.

М. С. Горбачев: Биласизларми нима, ҳозир сизлар қайта қуришдан кам фойдаланяпсизлар. Раҳбарларингизни қаттиқроқ силтаб қўйиш керак.

Овоз: Мен бошқа мавзуда гапирмоқчи эдим. Мени кечиринг-у, лекин меҳнатга ҳақ тўлашнинг янги шароитига ўтиш, менимча, нотўғри амалга ошириляпти. Стратегиянинг ўзи — тўғри, тактика эса — нотўғри. Бу янги технологиялар ҳисобига қилинмаяпти...

М. С. Горбачев: Ҳозир ҳар бир коллектив пулни ўзи ишлаб топади ва ўзи ҳал қилади. Ҳар ҳолда шундай бўлиши керак: пулни қаердандир юқоридан, қайси бир социал таъминотдан олиш эмас, ишлаб топиш зарур! Меҳнат коллективи шундай ҳаракат қилиши керак: пул жамғардими, янги системага ўтади, тайёргарлик кўра олмадими—демак, янги системага ўтмайди. Бу масалани ўзларингиз ҳал қилишингиз керак, танлаш ҳуқуқи сизларга берилган...

Сиёсатимиз тўғрисида қандай фикрдасизлар?

Овоз: Тўғри сиёсат.

М. С. Горбачев: Бу сиёсат меҳнаткашларнинг таклифлари асосида ишлаб чиқилган. Уни фақат сизларнинг иштирокингиз билангина амалга ошириш мумкин.

Талнах кўчасидаги универсамда шаҳар аҳли билан яна бир учрашув бўлди. Магазин пештахталарида хилма-хил маҳсулотлар — буғу, қорамол, парранда гўшти, сут маҳсулотлари бор. Шаҳар атрофидаги теплицалар ва ёрдамчи хўжаликлар бутун шаҳарни таъминлай олмаслиги ҳисобга олиниб, Норильскнинг асосий «полизлари ва фермалари» 2 минг километр жанубда, Красноярск остоналарида жойлаштирилган.

КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг Норильскда бўлиши надежднскиклар билан уларнинг қадрдон корхоналарида — Надеждинское металлургия заводидаги учрашув билан ниҳоясига етди. Бу — рангли металлар эритиладиган дунёдаги энг катта замонавий корхонадир.



М. С. Горбачевнинг ёш Кайеркан шаҳри аҳолиси билан учрашуви. (ТАСС телефотоси).

Корхона билан танишиш металлургларнинг батафсил суҳбатлашишдан бошланди. Биринчи савол — меҳнат коллективи кенгашига номзодлар кўрсатиш ҳақида бўлди. Ишчилар кенгаш раисини сайлаш тўғрисида эътирозлар билдирдилар.

М. С. Горбачев: Агар сизлар сайлов нотўғри ўтди, деб ҳисоблаётган бўлсангизлар, тўпланиб қайта овозга қўйинглар. Ҳаммаси ўз қўлингизда. Менимча, меҳнат коллективи кенгаши кўнгилдагидек тузилган бўлса, ишчиларда саволлар ҳам кам бўларди. Ўртоқлар, ҳаммасини сизлар ҳал қиласизлар, нима учун сизларга тиқиштиришаётган одамлар учун овоз берасизлар?

Марказий Комитет ва ҳукумат қонун қабул қилди, бу қонун меҳнаткашларга ишни чиқакамига ўз қўлига олиш ҳуқуқини беради. Сизларчи? Биз келиб, сизлар учун мажлис ўтказишимизни кутасизларми?

Овоз: «Қутбчилар» коэффициентини чеклашлар олиб ташланадими?

М. С. Горбачев: Бундай саволни менга олдин ҳам беришди. ВЦСПС, давлат меҳнат комитети ва Госплан аниқлик киритишлари лозим. Коэффициент одамлар меҳнат қилаётган ва яшаётган реал шароитларни у ёки бу тарзда ҳисобга олишдир, иккинчи томондан қараганда мамлакатнинг реал имкониятларини ҳисобга олишдир.

Сўнгра суҳбат бошқарув аппаратини қисқартириш мавзусига тааллуқли бўлди. М. С. Горбачев бундай деди: мамлакатимизда бошқарув аппарати 18 миллион кишидан иборат. Ишлайдиган одамлар эса 125—127 миллион киши. Шулардан 2,5 миллион киши — министрликларда ва идораларда, қолганлари — корхоналарда. Хўжалик юритишнинг янги методига ўтиш муносабати билан баъзи корхоналарда, колхозлар ва совхозларда, бошқарув аппаратининг деярли ярми қисқартирилаётганини газеталардан ўқиб билиб олгансизлар. Министрликларга келганда эса, бошқарув ўринларидан 700 мингтаси қисқартирилмоқда. Марказий Комитет, ўлка, область комитетлари даражасидаги аппаратлар қисқартирилмоқда. Балки район, шаҳар комитетлари даражасида аппарат камроқ қисқарар, чунки уларда одамлар шусиз ҳам кам.

Металлургларнинг бошланғич партия ташкилотларида бошланган ҳисобот-сайлов кампаниясининг давомида кадрларнинг ўзгартирилиши билан қизиқдилар.

М. С. Горбачев: Красноярск ўлкасидаги бошланғич партия ташкилотлари бир қисмида ўтган сайловлар натижаси бундай бўлди: бошланғич партия ташкилотлари секретарларининг 40 проценти, цех ва партия группаларида эса 60 проценти алмаштирилди. Демак, XIX партия конференциясида келишиб олганимиздек бўлмоқда. Одамлар секретарлик вазифасига ўзлари ишонадиган кишиларни кўрсатмоқдалар.

Овоз: Ёш кадрларни тарбиялаш керак.

М. С. Горбачев: Бу саволга ҳам жавоб бераман. Министрларнинг 60 проценти — янги. Область, шаҳар, район комитетларининг секретарлари орасида янги одамлар бундан ҳам кўпроқ — 80 процентдан ортиқ, бошланғич партия ташкилотлари секретарлари орасида эса бундан ҳам кўп. Шуларнинг ҳаммаси уч йил ичида қилинган ишлар.

Овоз: Баъзан бизга кимни сайлашни тавсия қилишяпти.

М. С. Горбачев: Сизлар сайламанглар, ўз одамингизни кўрсатинглар. Агар сизлар нолойиқ киши сайланганлигини кўрсангиз, агар у ўзи учун ишлаётган бўлса ва одамлардан ажралиб қолса, бундай кишилар тўғрисидаги масалани ўзингиз ҳал қилаверинг. Заводда, комбинатда иш юришмаётганини кўрсангиз бу ишга ким бошчилик қилаётганлигини кўриб чиқинг. Хоҳлаган кишингизни: министрни ҳам, партия органидан ҳам таклиф қилиб, масалани қўяверинг. Бир ишчи менга йўллаган мактубида бундай ёзибди: «Михаил Сергеевич, штабларга қарата ўт очишга команда беринг».

Овозлар: Тўғри.

М. С. Горбачев: Бунинг нимаси тўғри. Биз мамлакат лагерларга бўлиниб кетмаслиги учун, одамларни бир-бирига тўқнаштирмаслик учун қайта қуриш олиб боряпмиз. Сиз билан биз Хитойда «штабларга қарата ўт очиш» тажрибасини биламиз. Сўнгра у ерда нима иш қилиб қўйганликларини 15 йилгача тушунолмай юришди.

Келинглар, ўша хатони такрорламайлик. Уйимизни, ичидаги буюмларни синдириб ташлаб, кейин ўзимиздан ўзимиз нима қилиб қўйдик, деб сўраб ўтирмайлик.

Социализм олдида масъулиятли бўлган мамлакатга бундай муомала қилиш мумкинми? Ҳозирги муаммоларни 37-йил методлари билан ҳал қила олмаймиз — — уларни фақат янги шароитда ҳал қиламиз. Партиядаги сайловлар, Советларга сайловлар, жойлардаги сайловлар орқали ҳаракат қилиб, қайта қуришнинг принципиал қарорларини рўёбга чиқарайлик.

Бош секретарь сифатида мен барча муаммолар тезроқ ҳал қилинишини хоҳламайди, деб ўйлайсизми. Ўзингиз тушунасиз: бугун келишиб олсак, эртага эса ҳамма нарса кўнгилдагидек бўлса, нур устига аъло нур бўлур эди.

Биламан, ҳамманинг истаги бир хил: ишни тезроқ яхшилагиси келади. Такрор айтаман, — бу бизнинг умумий истагимиз. Лекин ишни шундай олиб бориш керакки, кейин пушаймон бўлмайлик...

Овоз: Айтингчи, Норильск Сизга ёқдими?

М. С. Горбачев: Ҳа, ёқди, яхши шаҳар.

Сиз билан биз ҳозир фақат яхши нарсалар ҳақида эмас, камчиликлар тўғрисида ҳам гаплашяпмиз. Бу тушунарли. Яхши нарсалар ҳамиша ўзимизники. Сизлар шаҳар билан, қандай яшаётганликларингиз, қандай ишлаётганликларингиз билан фахрланишингиз мумкин. Лекин сизларда ҳам ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар бор.

М. С. Горбачев металл эритиш цехини кўздан кечириш чоғида ишлаб чиқариш технологияси, металлургларнинг меҳнат ва турмуш шароитлари билан танишди. Ишчилар ва мутахассислар билан суҳбат бўлиб ўтди.

Кечқурун КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Красноярскка қайтиб келди. Норильскка сафарда СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Ю. П. Баталин, КПСС Красноярск ўлка комитетининг биринчи секретари О. С. Шенин, ўлка ижроия комитетининг раиси В. И. Сергиенко, бир қанча министрлик ва идораларнинг раҳбарлари М. С. Горбачев билан бирга бўлдилар.

(ТАСС махсус мухбирлари).

«ОҚ ОЛТИН» ХИРМОНИГА

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 15 сентябрга бўлган МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Областлар	Бир кунда	Мавсум бошидан	Шу жумладан машинада терилгани	
			Бир кунда	Мавсум бошидан
Хоразм	2,52	21,20	1,23	3,71
Андижон	1,25	12,57	0,09	0,18
Қашқадарё	1,70	11,39	1,09	4,02
Фарғона	1,61	9,62	0,12	0,20
Наманган	1,17	8,34	—	—
Сурхондарё	0,78	7,11	0,19	0,38
ҚҚАССР	0,91	5,33	0,38	0,89
Тошкент	0,56	4,00	0,04	0,05
Бухоро	1,05	3,21	—	—
Самарқанд	0,37	1,00	—	—
Сирдарё	0,26	0,77	0,12	0,14
Республика бўйича:	1,05	7,21	0,29	0,84
Шу жумладан энгичка толали пахта:				
Наманган	1,88	17,92	—	—
Сурхондарё	0,87	8,01	0,22	0,33
Қашқадарё	0,74	4,32	0,09	0,19
Самарқанд	0,89	2,83	—	—
Республика бўйича:	0,80	6,57	0,17	0,27

● Пахта йиғим-теримида зарбдор дамлар бошланди. Ҳар дақиқадан унумли фойдаланиб, терим суръатини бутун чоралар билан жадаллаштирайлик.

● Марра сари дадил интилаётган, иш сифати ва суръатини таъминлаётган илғор хўжаликлар, районлар ва областларнинг пешқадам коллективларидан ўрнак олинг.

● Дала меҳнаткашларига энг қулай иш шароитлари яратиб берилсин. Уларга гамхўрлик — шу кунниг муҳим вазифаси.

ДЕФОЛИАЦИЯ ҚАНДАЙ БОРМОҚДА?

Республикада ғўза дефолиациясининг бориши тўғрисида 15 сентябрга бўлган МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — областлар, иккинчи устун — бир кунда, учинчи устун — мавсум бошидан буён.

Қашқадарё	7,3	85,8
Тошкент	9,3	74,9
Сирдарё	8,6	71,7
Сурхондарё	7,1	64,2
Наманган	7,4	54,1
Хоразм	6,5	47,1
Қорақалпоғистон АССР	6,6	38,6
Андижон	4,1	33,9
Бухоро	4,0	25,2
Самарқанд	3,1	12,3
Фарғона	3,3	10,8
Республика бўйича:	6,5	51,5

«Зангори кема»лар иш бошлади

Андижон районидаги Ленин номли совхознинг механик-ҳайдовчилари пахтани машинада теришни бошлаб юбордилар. Мавжуд 16 та терим машинасининг ҳаммаси бирин-кетин пахтазорга олиб чиқилди. Тажрибали механик-ҳайдовчилардан Ҳолдорбой Ортиқов, Азимжон Ботиров, Абдушукур Ғаниев, Абобакир Эргашевлар биринчи куниёқ ўз агрегатлари бункерларидан 2-3 тоннадан «оқ олтин» тўкдилар.

Ҳўжалик пахтакорлари 1173 гектар адир ерларда етиштирган мўл ҳосил эрта очилди. Шундан 500 гектар текис ердаги пахта машина теримига ажратилди. «Зангори кема»лар далага чиққач, совхоз хирмонига барака кира бошлади, терим суръати ортди.

Совхозда иш оилавий пудрат асосида ташкил этилган. Икромжон Турдиев, Лутфулла Қамбаров бошлиқ оилавий звенолар йиллик планларини аллақачон бажариб, мажбурият ҳисобига пахта топширмоқдалар. Л. Қамбаров звеноси икки план миқдорида пахта тайёрлаш учун курашяпти. А. Нуралиев, О. Маллабоев бошлиқ бригадалар ҳам ғалаба маррасига яқинлашиб қолдилар.

Теримчилар ва механик-ҳайдовчилар мусобақаси қизғин тус олаётир. Кўпминг килограммчилар орасида Шарифахон Дарвишева, Саломхон Пўлатова, Турдихон Қамбарова, Тўлқиной Қодирова, Умидахон Ҳусанова ва бошқалар бор. Бу чевар теримчилар мавсумда 8-10 тоннадан пахта териш мажбуриятини олишган.

Пахтаобод районидаги «Маданият» совхозидан Эркинбой Қодиров бошлиқ оилавий звено пахтакорлари йиллик планни бажарганликлари ҳақида рапорт бердилар. Тайёрланган пахтанинг ҳаммаси биринчи сортга қабул қилинди. Звено аъзолари ҳар гектар ердан яна 4 центнердан пахта топширишга аҳд қилдилар.

А. ҚУРОНБОЕВ.
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ҚЎШМА МАЖЛИС

Гулистонда Сирдарё область ва Гулистон шаҳар партия комитетлари, халқ депутатлари Сирдарё область ва Гулистон шаҳар Советларининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди.

Сирдарё область партия комитетининг биринчи секретари А. Ф. Клепиков, Сирдарё область ижроия комитетининг раиси И. Ў. Қўчқоров, сўзга чиққан бошқа нотиқлар ўз нутқларида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Жиззах ва Сирдарё областларини бирлаштириш тўғрисидаги Фармонини бажаришга доир чора-тадбирларни батафсил муҳокама қилдилар. Мажлис қатнашчилари республика ҳукуматининг территориал-маъмурий жиҳатдан йириклаштириш борасида кўраётган чоралари батамом асосли бўлиб, регионда таркиб топган саноат ва қишлоқ хўжалик потенциалидан фойдаланиш самарадорлигини, бинобарин, у меҳнаткашларнинг фаровонлигини ҳам ошириш мақсадини кўзлайди, деган яқдил фикрга келдилар.

Барча партия ва совет ходимларига, халқ депутатларига, хўжалик раҳбарларига, идеология активларига меҳнат коллективларида ва аҳолининг истиқомат жойларида, бошланғич партия, касаба союз ва комсомол ташкилотларида республика Олий Совети Президиумининг областларни бирлаштириш тўғрисидаги қарори ўз вақтида қабул қилинганлиги ва зарурлиги ҳақида кенг тушунтириш ишларини авж олдириб юбориш топширилди.

Мажлисда Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Ғ. Ҳ. Қодиров, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Д. Д. Берков нутқ сўзладилар.

(ЎзТАГ).

Тошкент билан танишув

Норасмий визит билан Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турган Финляндия бош министри Харри Холкери Тошкент билан танишмоқда.

15 сентябрь куни у Ўзбекистон ССР Халқ ҳўжалиги ютуқлари кўргазмасини кўздан кечирди. Р. Р. Шредер номидаги боғдорчилик ва узумчилик илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида бўлди.

Финляндия бош министри шарафига Ўзбекистон ҳукумати номидан зиёфат берилди. Зиёфат самимий, дўстона вазиятда ўтди.

(ЎзТАГ).

Пахтакорлар меҳнатига ҳақ тўлашнинг янгича шартлари

Колхозчилар ва совхоз ишчиларининг пахта ҳосилини ўз вақтида ўз кучлари билан йиғиштириб олишдан моддий манфаатдорлигини ошириш учун, ишнинг сермеҳнатлилигини, пахта терими суръатлари ва сифати муҳимлигини назарда тутиб, республиканинг юқори органлари Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитети ҳамда Меҳнат ва социал таъминот давлат комитетининг таклифига биноан пахтани қўлда териш ва подбор териш тариф разрядини ошириш тўғрисидаги талабнома билан ҳукуматга мурожаат қилдилар.

СССР Меҳнат ва социал масалалар давлат комитети ҳамда ВЦСПС секретариати 1988 йил 2 сентябрдаги қарори билан қишлоқ, сув ва ўрмон хўжалигидаги механизациялаштирилган ва қўлда бажариладиган ишлар тарификацияси справочнигига ўзгартишлар киритдилар. Агар илгари қўлда терилган пахта ҳамда подбор, кўрак учинчи разряд бўйича тарификацияланган бўлса, энди қарорга мувофиқ қўлда терилган пахта ва подбор бешинчи разряд бўйича тарификация қилинади. Кўрак териш эса илгариги даражада — учинчи разряд бўйича қолдирилди.

Масалан, агар илгари хўжаликда кўсак очилиши даражасига қараб бир сменада 50 килограмм норма белгиланган бўлса, ишчилар ва колхозчилар меҳнатига ишбай асосида ишловчиларнинг учинчи разряди бўйича — нормани бажарганлиги учун 3,37 сўм тўланилар эди (бир килограмм пахтани териб олиш 7,7 тийинги тушар эди). Ҳосилни қисқа муддатларда ва несобуд қилмай йиғиштириб олганлик учун 15 процентга оширилган нархда меҳнатга ҳақ тўлашнинг янги шароитига ўтказилган хўжаликларда теримчиларга нормани бажарганлик учун 4 сўм 16 тийин (бир килограмм учун 9,56 тийин) тўланарди.

Эндиликда пахтани териб олишда меҳнатга ҳақ тўлашнинг бешинчи тариф разряди жорий этилган биринчи категориядаги хўжаликларда норма учун 4,06 сўм, иккинчи категориядаги хўжаликларда 5,31 сўм ҳақ тўланади. Териб олинган 1 килограмм пахта нархи биринчи категориядаги хўжаликларда 9,3 тийин ва иккинчи категориядаги хўжаликларда 12,2 тийинни ташкил этади.

Меҳнатга ҳақ тўлашда юқоридаги ўзгаришни хўжаликларнинг белгиланган иш ҳақи фонди доирасида амалга ошириш зарурлигини таъкидлаш керак.

(ЎзТАГ).

БУГУНГИ СОНДА:

● Пахтакорлар зарбдор вахтада — 1-бет
● Тенг ҳуқуқлилар оиласида — 2-бет
● Танишинг: нурхона буйёдкорлари — 3-бет
● Янгиликлар, хабарлар, фактлар. — 4-бет

XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси қарорлари — ҳаётга!

ИНТЕРНАЦИОНАЛИЗМ —

Қудратимиз — дўстликда

Ягона оиламиз, муштарак хонадонимиз — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи халқлари ижтимоий ҳаётимизнинг ҳамма соҳаларини революцион қайта қуриш туйғуси билан яшамоқдалар, янгиланиш жабҳасида фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

В. И. Ленин барпо этган Совет социалистик давлати ўзида тенг ҳуқуқли халқлар кўп миллатли оиласининг революцион хоҳиш-иродаси ва муддаоларини мужассамлаштирди. Улар тарихий тақдирининг муштараклиги — интернационал социалистик қардошликнинг негизидир.

В. И. Лениннинг бой назарий меросида муҳим ўрин тутган ва Улуғ Октябрь шарофати билан рўёбга чиққан партиямизнинг миллий сиёсати туфайли кўп миллатли мамлакатимиз халқлари сиёсий, иқтисодий, маданий соҳада мислсиз ютуқларга эришдилар. Марксизм-ленинизм ғоялари, пролетар интернационализми принциплари тантана қилди. Натижада кўп миллатлилик давлатнинг заифлигини белгиловчи омилдан инсоният тарихида биринчи марта социализм шароитида унинг қудрати ва гуллаб-яшнашини белгиловчи омилга айланди. Халқлар дўстлиги, буюк қардошлигимизнинг мўъжизакор кучи Совет Ўрта Осиёси республикалари, жумладан, Ўзбекистондаги туб ўзгаришларда айниқса, яққол кўринмоқда. Шундай бўлса-да, халқлар дўстлиги ва қардошлигининг асоси бўлмиш миллий масалада ҳал этилиши лозим бўлган баъзи муаммолар ҳам йўқ эмас. Бундай муаммоларни ҳаёт талабларини инкор этиш, уларни баландпарвоз сўзларга ўраб-чирмаш иллатлари келтириб чиқарган эди. Биз миллатлар ва миллий муносабатларнинг ривожланишига доир кўпгина сиёсий, тарихий масалаларни узоқ вақт мобайнида четлаб келдик. Партия бу ҳол салбий оқибатларга олиб келганлигини, эндиликда уларни тугатиш билан астойдил шуғулланиш лозимлигини уқтирмоқда. Миллий масала ва миллатлараро муносабатлар КПСС XXVII съездида, XIX Бутуниттифоқ партия конференциясида атрофлича муҳокама этилди, тўпланиб қолган муаммоларни ҳал этиш йўллари аниқ-пухта белгилаб берилди. «Кейинги вақтда биз миллатлараро муносабат масалалари қанчалик мураккаблашиб кетиши мумкинлигини ўз кўзимиз билан кўриб ишонч ҳосил қилдик, — дейилади М. С. Горбачевнинг конференцияда қилган докладида. — «Бинобарин, халқларимиз қардошлиги ва дўстлигини кўз қорачиғидек асраш керак. Бошқача йўл, оқилона тадбирнинг ўзи йўқ». Мамлакатимиз тарихий тараққиётида ижтимоий турмушнинг ҳамма соҳаларида ленинча миллий сиёсатнинг самараларини яққол кўриб турибмиз. Ҳозирги вақтда Ўзбекистон — кўпмиллатли коллектив бўлиб, унда жуда кўп миллат ва элатларнинг вакиллари аҳил, фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Ижтимоий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида залворли, ёрқин ютуқлар учун республика меҳнат аҳли улуғ Ленин даҳосидан, у яратган Коммунистик партиядан, мамлакатимиздаги барча қардош халқларнинг, аввало қардош рус халқининг доимий, беғараз ёрдамидан чексиз миннатдордирлар.

Бутун мамлакатда бўлганидек, бизнинг республикамизда ҳам КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукуматининг жуда катта ёрдами туфайли ижодий меҳнат муҳити ҳукмронлик қилмоқда. Ўзбекистон меҳнат аҳлининг авангарди бўлмиш ишчилар синфи кўпмиллатли саноат корхоналарининг меҳнаткашлари ўн иккинчи беш йилликнинг тўртинчи йили планлари ва мажбуриятларини муддатидан илгари бажаришга қатъий азму қарор қилганлар. «Оқ олтин» ижодкорлари эса пахта йиғим-теримини тобора тезлаштирмоқдалар. Дала меҳнаткашларининг шижоати республикамиз халқлари Ватан олдидаги интернационал бурчларини — пахта етиштириш мажбуриятини ортиғи билан бажаришга астойдил киришганликларини кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Коммунистик партияси коммунистлар эътиборини омма орасида интернационализм руҳини, мушоҳада қилувчи эмас, балки яратувчи интернационализм руҳини бундан буён ҳам мустаҳкамлаш биринчи даражали муҳим вазифа эканлигига қаратмоқда. Зеро, амалдаги интернационализм — Ўзбекистоннинг мамлакат яхлит халқ хўжалик комплексига қўшаётган улушини ошириб бориш демакдир. Биз қайта қуриш ҳамда социал-иқтисодий тараққиётни жадаллаштириш вазифаларини муваффақиятли амалга ошириш учун етарли имкониятларга эгамиз. Бу имкониятларнинг яратувчилик кучи республикамиз қиёфасида ҳам, қардош республикалар билан иқтисодий, маданий алоқаларида ҳам яққол кўринмоқда.

Ўзбекистонлик мелиораторлар бир неча йилдан буён РСФСР Ноқоратупроқ зонасининг Иваново, Новгород, Владимир областларида ботқоқликларини қуритиб, янги ерларни қишлоқ хўжалиги оборотига киритишда катта амалий ёрдам кўрсатмоқдалар. «Узтюменьдорстрой» тресги қурувчилари Тюмень областида нефть конларига олиб борадиган автомобиль йўллари қурилишини тобора авж олдирмоқдалар. Ҳозирнинг ўзидаёқ бир неча юз километр масофада йўллар бунёд этилди. Республикамиз пармаловчилари чуқур нефть қудуқларини пармалашда катта тажриба орттирганлар. Улар бу тажрибаларини қардош Қозоғистоннинг нефть конларини ўзлаштиришда қўллашиб, мамлакат ёқилғи-энергетика комплексини ривожлантиришга катта ҳисса қўшяптилар.

Ўзбекистон ва Тожикистон Компартиялари Марказий Комитетлари ишлаб чиққан қўшма тадбирлар планига мувофиқ аҳолининг тожик қисми ўртасида олиб борилаётган ишларни, Тожикистон билан қардошларча алоқаларни ривожлантиришни янада такомиллаштириш бўйича тадбирлар амалга оширилмоқда. Иккала республика ўртасидаги иқтисодий, илмий, маданий ва миллатлараро муносабатлар янада чуқурлашмоқда.

Ўзбекистон ва Туркманистон меҳнаткашларининг ташаббуси билан икки қардош халқ ўртасидаги дўстликни янада мустаҳкамлаш мақсадида ўзаро ҳамкорликни тағин ҳам кенгайтиришга қарор қилинди. Яқинда Тошовуз областининг Калинин райони чегарасида Хоразм область Гурлан райони вакиллари билан учрашув чинакам дўстлик байрамига айланди. Азалий дўстлик алоқалари бундан буён биродарлашган районлар формаси билан бойийдиган бўлди. Бундай қардошлик муносабатлари Қирғизистон, Озарбайжон ва бошқа иттифоқдош республикалар билан ҳам ўрнатилган бўлиб, йил сайин кенгаймоқда.

Халқимиз чинакам ватанпарвар, эришилган муваффақиятлардан қизғин қувонадиган, қийинчиликлар ва муваффақиятсизликларда ҳамдард ва якдил интернационалист фарзандлари билан ҳақли равишда фахрланади. Темирчи Ш. Шомаҳмудов, Тошкентдаги болалар уйининг директори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони А. П. Хлебушкина, машҳур пахтакор Э. Алиев, токарлар бригадири Ю. Стененко, Белоруссиядаги партизанлар курашининг қаҳрамони М. Топиболдиев ва минглаб бошқа шонли кишиларнинг номи бутун мамлакатга машҳур. Улар у ёки бу миллатга мансуб бўлганликлари учун эмас, балки бутун Ватанимиз равнақи йўлида ибратли, ажойиб ишларни қилганликлари учун қадрлидирлар.

Тенг ҳуқуқли миллатлар ва элатларнинг мамлакатимизда таркиб топган иттифоқи, халқлар дўстлиги, ҳаётбахш интернационализм социализмнинг энг буюк ютуқларидан бири бўлиб қолди. Бинобарин, ленинча миллий сиёсатни изчил амалга оширишгина тараққиётимизнинг бирдан бир соғлом негизидир, бундан буён ҳам шундай бўлиб қолаверади.

ЖОНАЖОН ВАТАН БЎЙЛАБ

● **КРАСНОВОДСК**

Геологлар Туркманистоннинг ғарбида йирик «Гўша» оҳактош конини республика қурувчиларига топширдилар. Бу коннинг очилиши қишлоқ жойларда уй-жой ҳамда социал қурилишни ривожлантириш учун муҳим аҳамиятга эга. Шу бинокорлик материалидан барпо этиладиган уйлар, айниқса, пишиқ-пухталиги билан фарқ қилади, ёзда салқин, қишда эса иссиқ бўлади. Давлат комиссияси хом ашё запасларини 150 миллион кубометр, деб тасдиқлади. Шунча миқдордаги хом ашё республика эҳтиёжларини тўла-тўкис қондиради. Бинокорлик материаллари конларини излаш геологлар ишидаги асосий йўналишларнинг биридир. Бу ишнинг натижалари умид бағишлайди. Республика территориясида сланец, қум тупроқ, гипс, оҳактош, қурилишбоп қум запаслари очилган.

✦ **УСМИРЛАР УЧУН**

✦ Саратов шаҳри яқинида ўсмирлар учун «Таманец» мудофаа-спорт лагери ташкил этилди. Ёшлар бу ерда дам олмоқдалар ва мудофаа-спорт машғулотлари ўтказмоқдалар. Лагерни ташкил этишда шаҳарнинг Киров районидаги собиқ интернационалчи жангчилар ташаббус кўрсатдилар. Ёшлар бу ерда армия ҳаётига оид ишлар билан шуғулланиб, чиниқадилар.

(ТАСС).

Бурчга садоқат

Ноқоратупроқ ўлканинг Иваново, Новгород, Владимир областлари, Тюмень, БАМ... Ўзбекистон вакиллари РСФСРнинг ана шу жойларида бир неча йилдан буён бунёдкорлик ишларини олиб бормоқдалар, яратувчилик ишларида фаол қатнашмоқдалар.

Қуйида мамлакат экономикаси юксалишига мадад бераётган юртдошларимиз фаолиятидан айрим лавҳалар ўқийсиз.

● Ўзбекистон—Ноқоратупроқ ўлкага

ЎЗЛАШТИРИШ ДАВОМ ЭТАДИ

Россиянинг Ноқоратупроқ зонаси узра ўзгаришлар шамоли эсмоқда. Рус қишлоқларида катта янгиланиш ва социал тараққиёт белгилари кўриниб қолди. Бу ерда мамлакат Озиқ-овқат программаси доирасида сабзавотчилик, суғориш усулига ўтказилмоқда. Чорвачилик учун озуқа базаси яратиляпти, янги ихтисослаштирилган совхозлар барпо этилаётир. Ана шу ўзгаришларга Ўзбекистон сув хўжалиги системаси ходимлари ҳам алоҳида ҳисса қўшишяпти.

Новгород, Иваново, Владимир областларида меҳнат қилган юртдошларимиз ўн биринчи беш йилликнинг ўзида 200 миллион сўмлик пудрат ишларини бажардилар. Қарийб 70 минг гектар зах ва ботқоқлик ерлар фойдаланишга топширилди. 115 минг квадрат метр саҳндаги турар жой қуриб битказилди. Бу борада, айниқса «Узновгородводстрой» трести азаматлари ибрат кўрсатдилар.

Трестнинг ҳозирги беш йилликдаги ишлари ҳам диққатга сазовор. Ўзбекистонлик мелиораторлар асосий майдонлардаги зах қочириш ишларини прогрессив усулда — ёпиқ горизонтал дренаж орқали амалга оширмоқдалар. Бунда замонавий дренаж ётқизиш техникаси қўл келяпти. Суғориш тармоқлари асосан бошқариладиган оқимлар, суғоришнинг замонавий техникасига таянган ҳолда барпо этиляпти.

Ана шу тарзда мелиорация қилинган ерларда қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлиги бир неча баравар ортди. Шимск районидаги «Волна революции» совхози далаларида олдин ҳар гектаридан 11—12 центнер ғалла олинарди. Мелиоратив ишлар ўтказилгандан сўнг бу ерда 30 центнердан дон ҳосили олинмоқда. Волот районидаги «Волотовская» совхозида ҳосилдорлик гектар ҳисобига 8—9 центнердан 34 центнерга, айрим участкаларда эса 55 центнергача кўтарилди.

Комплекс мелиорациянинг асосий маъноси шундаки, янги майдонларни фойдаланишга топшириш билан уларни хўжалик жиҳатдан ўзлаштириш муддатлари ўртасида узилиш бўлмаслиги лозим. Бунга эришишнинг йўли битта — деҳқонларга янги ерларнинг кафолат паспорти билан бир пайтда томорқали уйлар, поселкадаги мактаб, боғча ва маданий-маиший объектларнинг калитларини ҳам топшириш лозим.

«Узновгородводстрой» трести коллективининг фаолиятида мелиорация ишлари мақтовга лойиқ бўлса-да, турар жой қурилиши анча орқада қолди. Албатта, бу соҳадаги қолоқликнинг сабаблари бор. Энг катта сабаб — малакали ишчи кадрлар етишмаслиги билан боғлиқ.

Новгород областида ишлаётган ҳамюртларимиз фан ютуқлари ва илғор тажрибадан унумли фойдаланишмоқда. Масалан, ёпиқ пластмасса дренажларини хандақлар қазимасдан ётқизиш имконини берувчи МД-4 машинасидан кенг фойдаланиляпти. Янги машина йил бўйи ҳар қандай иқлимда ҳам ишлайверади. Айниқса, қиш пайтида иш фронти ҳозирлашда қўл келадиган ДФМ-4 ва Р2-65-2,5 механизмлари ҳам қўлланила бошланди. Юрий Яковлев билан Николай Сапегин каби механизаторлар МД-4 машинасида ишлаб конструкторлик лойиҳасида кўрсатилган даражадан кўпроқ натижага эришдилар.

Ўзбекистонликлар қураётган «Тошкент» совхозида ирригациянинг энг янги ютуқларидан бири — сувни икки карра бошқариш системаси жорий этилди. Системанинг аҳамияти шундаки, суғориш пайтида ортиқча сув ёпиқ дренаж орқали каналга ташланади. Кунлар исиб нам тақчиллиги сезилганда, сувнинг бир қисмини яна далага қайтариш мумкин.

Трест бунёдкорлари ўн иккинчи беш йилликни 23 минг гектар ернинг захини қочириш, 10 минг гектар ерда маданий-техника тадбирларини ўтказиш, 48,7 минг квадрат метр турар жой қуриш билан якунлашлари лозим. Асқарали Маъдиев, Ҳабибулла Рўзиев, Турсунпўлат Расулов, Федан Габрулхонов ва бошқа ўнлаб механизаторларнинг ғайрат-шижоати белгиланган режалар муваффақиятли амалга ошишидан далолат бериб турибди.

А. ВАЛУЙСКИЙ.

● Тошкент—Тюмень

САХОВАТ КАЛИТЛАРИ

Кейинги йилларда собиқ «Главташкенстрой» бинокорлари республикадан ташқарида бунёдкорлик ишларини олиб боришмоқда. Мана икки йилдирки, бош бошқарма таркибида тузилган «Узбектюменьжилстрой» қурилиш-монтаж поезди олис шимол ўлкасини ўзлаштирувчилар учун турар жой ва бошқа объектлар қурмоқда. Бинокорларга қурилиш материаллари, барча техника, транспорт воситалар ва бошқа ускуналар Ўзбекистондан етказиб берилмоқда.

Тўрт ярим минг километр узоқликда яшаб-ишлаётган минг кишилик коллективнинг ташвишлари оз эмас. Шунинг учун бош бошқарма раҳбарлари тез-тез Тюменга сафар қилишади. Қурилиш-монтаж поездининг масъул мутахассисларидан кимдир, доимо Тошкентда «командировка»да бўлади. Бош бошқармага келганлар қурилиш объектлари учун материаллар, механизмларнинг эҳтиёт қисмларини ундириш ва жўнатиш билан шуғулланишса, шимолга борган раҳбарлар у ердаги социал-маиший масалаларни ҳал қилишади.

Вакилларимиз қураётган шаҳарчада ҳали мунтазам автобус қатнови йўқ. Чекка шимол шароитида қурувчилар жойлашган посёлкадан объектларга бориш-келиш, фарзандларни мактаб ва боғчага элтишда мавжуд «КВЗ» автобуслари ярамай қолди. Бинокорларга шимолий иқлим шароитида ишлашга чидамли автобуслар керак. Бу масала ойдан ойга ҳал бўлмай келаётир.

— Партия инсон омилига катта аҳамият беришни талаб қилмоқда. Краснослав Петрович, автобус масаласида ўзингиз жиддий аралашмасангиз бўлмайди, — дейишди бинокорлар Няганга келган собиқ «Главташкенстрой» бошлиғи Дудинга.

Биз ўша масаланинг натижаси билан қизиқдик.

— Шимолда ишлаётган ҳамюртларимизнинг талабини қондириш учун депутатлик ҳуқуқидан фойдаланишимга тўғри келди, — деди Бош бошқарма бошлиғи К. П. Дудин. — «Узбектюменьжилстрой» коллективи учун тўртта «ЛИАЗ» автобуси ажратилди. Қурилиш-монтаж поездидаги ишларнинг аҳволи ҳозир республика партия-ҳукуматининг доимий эътиборида турибди. Тошкентлик бинокорлар Тюменда қурилиш ишларини олиб бориш билан интернационал бурчларини ҳам шараф билан адо этишмоқда.

Хўш, нефтчи ва газчилар учун турар жой ва социал-маиший объектлар қуриб бераётган ҳамюртларимизнинг ишлари қандай?

— Ишлар анча дуруст. Яхшиси, бу ҳақда Абдулла Юсупов билан суҳбатлаша қолинг, — дея маслаҳат беришди бизга бош бошқармада. — У қурилиш-монтаж поезди бошлиғининг ишлаб чиқариш бўйича муовини. Ҳозир шу ерда.

Абдулла Аъзамовични бош бошқарма юристи ҳузуридан чиқиб келаётганида учратдик. Қурилиш таъминотига доир можаро муҳокамасидан сўнг ҳорғин кўринса-да, кўзларида қувонч ўйнаб турарди.

— Талашиб-тортишмасак бўлмайди. Сибирь қаҳратонида меҳнат қилаётган одамларимиз учун қайишамиз-да, — деди А. Юсупов. — Ортикчаси керак эмас, планда кўрсатилгани, бизга лозим бўлган нарсаларни ундириб, жўнатиш баъзан асабларсиз ҳал бўлмаяпти. Яхшиямки, биз олиб бораётган ишларнинг аҳамиятига ҳозир кўпчилик тушуниб етган.

«Узбектюменьжилстрой» қурилиш-монтаж поезди 1986 йили тузилди. Бинокорлар коллективининг ўзаги асосан 11-«Висотстрой» трести ишчи ва мутахассисларидан ташкил топган. Ўтган қисқа вақт мобайнида қурувчилар тўққизта турар жой биноси, ўз ишлаб чиқариш базаларини барпо этдилар. Йил охиригача яна бир тўққиз қаватли уй битди. 1988 йил қурилиши мўлжалланган юз ўринли ошхона эрта-индин фойдаланишга топширилади.

Тюмень областининг Нягань шаҳрида ишлаётган бинокорлар шу кеча-кундузда 1988 йилнинг биринчи ярмида топширилиши белгиланган тўққиз ва етти қаватли уйлар, мактаб ва боғча биноларининг қурилишини жадаллаштириб юбордилар. Янги шароитларда ишлашга аллақачон кўниккан бунёдкорлар уч сменада ишлашга ўтишди. Ҳамюртларимизнинг асосий мақсади — тезу соз ишлаш. Бинокорлар қўлидан чиққан дастлабки уйларга кўчиб кирган нефтчи ва газчилар квартиралар қулай, шинамлигидан мамнун бўлмоқдалар.

Қурилиш-монтаж ишларининг суръати ва сифати яхшиланиб бормоқда. Ўтган йили қурувчилар коллективи КПСС Нягань шаҳар комитети ва шаҳар Совети ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғи билан тақдирланди. Қурилиш-монтаж поезди коллективига партия ва ҳукуматимизнинг Юбилей фахрий ёрлиғи топширилди. 20 нафар илғор бинокор ҳам шундай мукофотга сазовор бўлди.

Коллектив эришган муваффақиятларга Тюмень ўлкасида Ўзбекистон ишчи шарафини оқлаётган 27 миллат вакили бунёдкор меҳнати билан муносиб ҳисса қўшмоқда Монтажчилар бригадаси бошлиғи Пётр Костенко, Александр Паршюков, монтажчи Шавкат Аҳмедов, дурадгор Турсунбой Қамбаров, бригадир Равиль Шайхутдинов, электр пайвандчи Юрий Пак смена топшириқларини орттириб бажариб, коллектив ҳурматини қозонмоқда. Тюменга келган дастлабки қурувчилардан бири — Исроил Эргашев бутун оиласи — турмуш ўртоғи ва тўрт фарзанди билан Ғарбий Сибирда муқим яшаб қолди.

— Коллективимиз олдида катта вазифалар турибди, — деди пировардида А. Юсупов. — Беш йиллик охиригача 195 минг квадрат метр уй-жой, иккита болалар комбинати, сузиш бассейни ва спорт зали бўлган 1560 ўринли типовой мактаб, бошқа социал-маиший объектлар қуриб беришимиз керак.

...Бугун-эрта пахтакор ўлка бинокорлари яна юзлаб няганликларга янги кварталарнинг калитларини топширишади. Бу шунчаки рамзий ўхшатиш эмас, балки бағри Сибирь дарёларидек кенг, саховатли халқимизнинг ҳимматидан нишона.

А. АБДУБАННОПОВ.

ГАЗЕТАЛАР САҲИФАЛАРИДА

Тенг ҳуқуқлилар оиласида

«БУХОРО ҲАҚИҚАТИ» область газетасининг 14 сентябрь сони ўзбек ва тожик халқларининг ўзаро дўстлиги ва биродарлигига бағишланди. «Дўсти қардошдир азалдан ўзбегим тожик билан» умумий сарлавҳа остида таниқли тожик шоирлари Лойиқ Шерали, Гулрухсор Сафиева, Саидали Маъмурнинг шеърлари, Тожикистон ССР Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари давлат комитети раиси Х. Шариповнинг икки қардош халқ ўртасида маданий бойликларни айирбошлаш тўғрисидаги мақоласи, ёзувчи Аҳад Ҳасаннинг дўстликни мадҳ этувчи публицистикаси, Бухородаги тожик китоблари магазинидан репортаж ва бошқа материаллар, фотосуратлар ўрин олган. АПН мухбири Владимир Мижирицкий ўз мақоласида Ўзбекистонда тожик миллатига мансуб кишилар қандай яшаётгани тўғрисида ҳикоя қилади.

«Бухоро ҳақиқати» газетаси совет халқлари дўстлиги, интернационал тарбия мавзусини изчил ёритиб, ибратли иш қилмоқда.

«Радуга» туҳфалари

«Радуга» нашриётининг Тошкент бўлими нашр этган дари ва пушту тилидаги китоблар туркуми Ўзбекистон пойтахтидан Кобулга жўнатилди. Улар орасида М. Горькийнинг «Одамлар орасида» ва В. Кожевниковнинг «Матонатли кишилар» асарлари, Г. Некрасовнинг «Партизан қўнғироғи» тўплами ҳамда арман адиби Н. Нерсесьяннинг «Рустам ва Далира» романи бор.

Эрон ва Сурия университетларига «В. И. Ленин. Ҳаёт, кураш, ғоялар» монографияси, совет адибларининг форс тилига таржима қилинган ҳикоя ва шеърлар тўпламлари юборилди.

Ўзбекистон ноширлари Шарқ мамлакатларидан ўнлаб буюртмалар олишмоқда. Кундан-кунга кўпайиб бораётган эҳтиёжларни қондириш учун «Радуга» нашриётининг Тошкент бўлимида Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари редакцияси ташкил этилди. Редакция хорижий кутубхоналар билан амалий алоқаларни йўлга қўйган.

(ЎзТАГ мухбири).

Мададкорлар

✦ Фарғоналик қурувчи-ремонтчилардан катта бир гуруҳи Калинин областига жўнаб кетди.

Водийлик қурувчилар дўстлар диёрида қиш-қировли кунлар бошланганига қадар 54 оиланинг уй жойини сифатли ремонтдан чиқарадилар. 30 та янги турар жой биноларини қуриб, фойдаланишга топширадилар. Қурувчилар отряди зарур материаллар билан таъминланган.

Фарғона ва Калинин областларининг меҳнаткашлари ўртасида ҳамкорлик кенгайиб бормоқда. Бу, мамлакат Озиқ-овқат программасини амалга оширишдек долзарб масалани ҳал этишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўтган йили 270 га яқин оила Фарғонадан Калинин областига кўчиб борган эди. Улар самимий кутиб олинди, қисқа муддатларда уй-жой билан таъминланиб, деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланиш учун имконият яратилди.

— Колхоз-совхозларимиз Калинин области ерлари, фермаларини узоқ муддатли ижарага олиб ишлашни йўлга қўйсалар, — дейди қардошларимиз диёрига йўл олган хўжалик раҳбарлари группаси бошлиғи — область агросаноат комитети раисининг ўринбосари Б. Холмирзаев, — унумдор ерлардан олинган маҳсулот ҳисобига планларнинг бир қисмини бажаришга имкон яратилади.

А. ИБОДИНОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

СССР—ЯГОНА, КЎП МИЛЛАТЛИ ДАВЛАТ

Совет давлатининг қудрати унинг кўп миллатли халқининг ягона мақсад сари интилишида, турли миллий республикалар иттифоқининг бузилмаслигидадир. Мамлакатимиз ҳаётидаги туб бурилиш даври совет кишиларининг қайта қуриш ва жадаллаштириш вазифаларини амалга оширишдаги кундалик ҳаёти ва онгли меҳнати билан боғлиқ.

Турли миллат ва халқларнинг маънавий алоқалари тобора чуқурлашмоқда. Миллий маданиятларнинг ўзаро яқинлашуви натижасида мазмунан социалистик, миллий жиҳатдан кўп қиррали, маънавий жиҳатдан интернационалистик совет турмуш тарзи қарор топмоқда. Совет халқларининг дўстлиги ва қардошлиги тобора мустаҳкамланмоқда. Зеро, «Барча республикалар ва автономияларнинг иқтисодий, маданий, кадрлар потенциали беқиёс кўпайди. Янги тарихий бирлик — совет халқи реаллик бўлиб қолди», — дейилади КПСС XIX Бутуниттифоқ конференцияси Резолюциясида.

Тарихда миллий масала пайдо бўлибдики, миллатлараро муносабатлар масаласи мураккаб, чигал тус олиб, капитализм унинг калаваси учини тополмади. Миллатлар ўртасидаги муносабатларда адолатсизлик, зиддиятлар келиб чиқди, бир миллат иккинчи миллат устидан ҳукмронлик қилди, ўзаро душманлик ва ишончсизлик, шовинизм ва миллатчилик хуруж қилди. Хусусий мулкчилик манфаатлари, фойда орқасидан қувиш халқларнинг миллий туйғусига путур етказиб, миллатлараро муносабатларни кескинлаштирди.

Миллий масалани ҳал этишнинг йўли битта — у ҳам бўлса марксизм-ленинизм назарияси ва программасини ҳаётга татбиқ этишдан иборат бўлди. Бу вазифани биринчи бор Улуғ Октябрь социалистик революцияси ҳал этди.

Марксизм-ленинизм миллий масалани принцип жиҳатдан янги, революцион асосда ҳал этди. Мамлакатимиз халқлари Совет ҳокимияти туфайли эркинлик ва мустақилликка эришиб, бир-бирларидан ажралмадилар. Аксинча улар Улуғ Октябрь ватани бўлмиш Россия билан иттифоққа ва бирликка интилдилар. В. И. Лениннинг давлатнинг демократик тузуми ажралиб чиққунга қадар тўла эркинликка қанчалик яқин бўлса, уларнинг амалда ажралиб чиқишга интилиши шунчалик кам ва суст бўлади, — деган сўзлари тўла тасдиқланди.

Ленинча миллий сиёсат тарихда дадил ва кескин революцион бурилиш ясади. Совет кўп миллатли федератив давлатини барпо этиш бошланди. Бу ишда совет республикаларининг ўзлари ташаббускор бўлган эсаларда, унинг бирлаштирувчи маркази, жипслаштирувчи кучи Совет Россияси эди. Мамлакатимизда яшовчи барча миллатлар ва элатларни ягона совет кўп миллатли давлатига бирлаштириш рус халқи зиммасига тушди. Чунки, рус халқи революциягача бўлган йилларда ва революция даврида барча мазлум халқлар кўз ўнгида ҳар қандай зулмга қарши муросасиз ва қатъий курашчи сифатида обрў-эътибор қозонган эди.

Пролетар бирдамлиги байроғига содиқ рус ишчи ва деҳқонлари ўзи учун қийин кунларда, интервентлар ва ички контрреволюцияга қарши жангларда ҳолдан тойган бўлса-да синфий душманларни тор-мор этишда, совет кўп миллатли давлати қурилишида, барча қардош халқлар экономикаси ва маданиятини ривожлантиришда, илгари мазлум бўлган халқларга ёрдам қўлини чўзиш учун куч топа билди. Бу ленинча халқлар дўстлигининг чинакам гимни эди.

В. И. Лениннинг ташаббуси билан биринчи Совет ҳукумати составида ўз тақдирини ўзи белгилаш жараёнида келиб чиқадиган масалаларни ҳал этишда халқларга амалий ёрдам кўрсатиш учун миллатлар ишлари бўйича халқ Комиссарлиги тузилди. **«Эзувчи» ёки «улуғ» миллат деб аталувчи миллатнинг интернационализми,** — деб ёзган эди доҳий, — **миллатларнинг расмий тенглигига риоя қилишдангина иборат бўлмай, балки шу билан бирга ҳаётдаги ҳақиқат юз берадиган тенгсизликнинг ўрнини эзувчи миллат — катта миллат томонидан қопланадиган тенгсизликдан ҳам иборат бўлмоғи лозим. Буни тушунмаган киши миллий масалага ҳақиқатан пролетарча муносабатда бўлишни тушунмайди, ундай киши аслида майда буржуа нуқтаи-назарида қолган бўлади ва шунинг учун минут сайин буржуа нуқтаи назарига тойиб кетмасдан қололмайди».**

Илгари мазлум бўлган миллатлар орасида ишловчи рус коммунистлари қандай роль ўйнашлари керак, рус — коммунистлари уларга нисбатан мураббийлик ёки энагалик қилишлари керакми?, деган саволга Владимир Ильич йўқ, мураббийлик, ҳам, энагалик ҳам кетмайди. Ёрдамчи бўлиш керак, деб жавоб берган эди. Зотан, рус коммунистлари социалистик турмушнинг ҳамма босқичларида ўзларини шундай тутдилар.

Улар ҳаётда келиб чиққан масалаларни маҳаллий аҳолининг синфий етуклиги ва онглилигини ҳисобга олиб ҳал этдилар. Бунда диндорлик даражасини, тилни, тарихни, маиший ва бошқа хусусиятларни эътиборга олиб, иш олиб бордилар. Капитализмгача бўлган муносабатлардан капитализмни четлаб, социализмга ўтиш тажрибаси ана шундай мураккаб масалани эпчиллик, эҳтиёткорлик ва донолик билан ҳал этиш намуналарини кўрсатди. Социалистик қурилиш йилларида СССРда яшовчи миллатлар ва элатлар ўзларини қарор топтирдилар, миллий ўзини англаш ривожланди, миллатлар ўзларини тобора тўла ҳуқуқли, эркин, суверен ҳис эта бошладилар ва шу асосда улар бир-бирлари билан яқинлашдилар. Эришилган ютуқлар — бу дўстлик ва ўзаро ёрдам самараси эканлигини тушуниб етиш халқларни жипслаштирди, дўстлик, интернационализм ғояси эса жамиятни ҳаракатга келтирувчи энг муҳим куч, Совет давлати енгилмаслигининг манбаи бўлиб қолди. Кишилар онгида илгариги бир-бирига ишончсизлик, бошқа миллатга мансуб ўртоқлардан ҳадиксираш хотима топа бошлади. Синфий курашда, улкан қурилишлар асносидаги қийинчиликларда, бунёдкорлик жараёнининг пафосида ишлар амалда пролетар бирдамлиги тўғрисидаги, синфий қардошлик ва халқлар ўртасидаги бузилмас дўстлик ҳақидаги ғояларга катта ишонч ҳосил қилдилар. Бу хусусда В. И. Ленин шундай деган эди: **«Тажрибамиз бизда шундай қатъий бир ишонч ҳосил қилдики, турли миллатларнинг манфаатларига жуда катта эътибор берилгандагина ихтилофларга сабаб бўладиган замин йўқолади, ўзаро ишончсизлик йўқолади, ҳар қандай фисқу-фасод йўқолади, айниқса турли тилларда сўзловчи ишчи ва деҳқонларда шундай ишонч туғдирадики, бунингсиз халқлар орасида тинч муносабатлар бўлиши ҳам, ҳозирги замон цивилизацияси эришган барча қимматли ютуқларни бир қадар бўлса-да, муваффақият билан ривожлантириш ҳам асло мумкин эмас».**

Ва, аксинча ўзга миллатлар манфаатларига эътиборсизлик, фақат ўз миллатини севиш, миллий манмаликка, миллий худбинликка, миллатларни бир-бирига қарама-қарши қўйишга олиб келадики, бу оқибат-натижада миллат зарарига хизмат қилади, холос. Владимир Ильич сўзлари билан айтганда **«ранжитилган миллат кишилари ҳеч нимага бу тенгликни бузишга бўлганидек сезгир бўлмайдилар, улар, гарчи ҳатто эҳтиётсизлик қилиб бўлса ҳам, гарчи ҳатто ҳазил тариқасида бўлса ҳам, ўз пролетар ўртоқлари томонидан бу тенгликнинг бузилишига жуда сезгир бўлдилар».**

Бу сўзларнинг айтилганига кўп йиллар бўлган. Лекин онглилик, етуклик даражаси, ҳодисаларнинг моҳиятига тушуниб етиш ҳозирги вақтда Совет ҳокимиятининг дастлабки йиллардагига нис-

ҲАЁТ ҚОНУНИМИЗ

...БИЗНИНГ ҲОЗИРГИ КУНИМИЗ ВА КЕЛАЖАГИМИЗ БАРЧА СОВЕТ ХАЛҚЛАРИНИНГ ЖИПСЛАШУВИ ВА БИРЛИГИГА БОҒЛИҚ. ССР ИТТИФОҚИ БАРЧА ХАЛҚЛАРИ ЭРКИН ТАРАҚҚИЁТИ ВА РАВНАҚ ТОПИШИНИНГ, ВАТАНИМИЗ ҚУДРАТИ МУСТАҲКАМЛАНИШИНИНГ НЕГИЗИ БЎЛМИШ СОВЕТ ЖАМИЯТИНИНГ ЖИПСЛИГИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИГАН ҲАММА ОМИЛЛАРНИ ЭҲТИЁТ ҚИЛИБ АСРАШ, КУПАЙТИРИШ—ҲАР БИР ГРАЖДАНИНГ, ҲАР БИР КОММУНИСТНИНГ ВАТАНПАРВАРЛИК ВА ИНТЕРНАЦИОНАЛ БУРЧИДИР. ЛЕНИН БИЗНИ ШУНГА ДАЪВАТ ҚИЛГАН ЭДИ ВА КОММУНИСТИК ПАРТИЯ ҲАМ ШУ ЙЎЛДАН БОРМОҚДА.

(КПСС XIX Бутуниттифоқ конференциясининг Резолюциясидан).

• Туркманистондан мактуб

МЕҲР РИШТАЛАРИ

Ўзбек, туркман ва қорақалпоқ халқлари азалдан жондош ва қондош. Улар асрлар давомида миллий анъаналари бир-бирига чатишган, ақидалари, орзу-умидлари ва интилишлари муштарак, ягона мақсад йўлида интилаётган халқлардир.

Ана шу уч халқ биродарлиги ва дўстлиги хусусида ўйлар эканман, беихтиёр ёш советлар ҳокимиятини ўрнатиш йилларида бир жону бир тан бўлиб, ички ва ташқи душманларга қарши курашганлари ёдимга тушади. Ашхободда юз берган табиий офат — зилзилада дўстликнинг буюк рамзи сифатида ана шу уч халқ вакилларининг бунёдкорлик ишлари ва жасоратли меҳнатлари кўз ўнгимда жонланади. Тахиатош энергетикларининг баракали меҳнати туфайли туркман халқининг уйлари, истиқболга элтувчи йўллари ёруғ.

Яқинда икки республика ва Қорақалпоғистон области раҳбарларининг қуйи Амударё областлари бўйлаб сафарлари бу ердаги халқларнинг дўстлигига ва қардошлигига янги сафа ҳифа очди.

Урганч районидаги Ленин номли колхозда барпо этилган дўстлик боғига туркман халқининг севимли шоири Махтумқули номи берилди. Тошовуз районидаги Чкалов номли колхозда ташкил этилган шундай боғ эса ўзбек халқининг буюк шоири Алишер Навоий номи билан аталадиган бўлди.

Узоқ йиллардан буён Боғот районидаги Наримонов номли, Тошовуз районидаги «Туркманистон ССР 40 йиллиги» ва Қорақалпоғистон АССР Хўжайли районидаги Ленин номли колхозлар ўртасида социалистик мусобақа ташкил этилган. Бу мусобақа ҳар уч халқнинг ягона мақсад йўлидаги интилишларини ифода этади. Улар қишлоқ хўжалик маҳсулотларини янада кўпайтириш, СССР Озиқ-овқат программасини амалга ошириш, эл дастурхонига кўпроқ маҳсулот етказиб бериш йўлида бир-бирларига мадад бўлмоқдалар. Ўзаро текширув бригадалари сафарларида ҳосилдорликни ошириш ва экономикани мустаҳкамлаш борасида қимматли маслаҳатлар бердилар. Натижада ҳар уч хўжалик йилданйилга катта муваффақиятларга эришмоқда.

Яқинда бизнинг Тошовуз районимиздаги «Дўстлик» ашула ва рақс халқ ансамбли Хоразм областидаги Гурлан ва Шовот районлари хўжаликларида гастролда бўлиб қайтди. Хоразмлик пахтакорларнинг янги ҳосил теримига кириши олдидан уларга яхши кайфият бағишладилар. Ўз навбатида ана шу районларнинг бадиий ҳаваскорлари бизнинг хўжаликларда бўлишди. Санъатлар ва маданиятлар қанчалик уйғунлашса, халқлар ва элатлар бир-бирларига шунчалик яқинлашади. Маданиятлар боийди. Янгича анъаналар тобора кўпроқ таркиб топади.

Шубҳа йўққи, уч халқнинг биродарлиги, қондош ва жондошлиги, асрлар оша дўстлиги бундан кейин ҳам тобора мустаҳкамланиб бораверади.

Душамбой БЕГЖОНОВ,
Тошовуз районидаги 18-ўрта мактаб ўқитувчиси.

СИБИРЛИКЛАРНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ «ПОЛИЗИ»

СССР Газ саноати министрлигининг ёрдамчи хўжалиги бўлган «Дружба: Шўртан—Уренгой» совхози Украина газчиларига икки вагон қовун-тарвуз жўнатди. Сибирликларнинг янги мева ва сабзавот билан таъминлаш учун тузилган бу совхоз ҳозир тармоқнинг йўл харажатларини қоплашга тайёр бўлган ҳар қандай коллективга маҳсулот реализация қилиш орқали ўз «таъсир доираси»ни кенгайтирди.

Бу йилги ҳосил жуда яхши бўлди. Бунда меъёрида суғориш ҳам, ўғитларнинг оқилона ишлатилиши ҳам, полиз маҳсулотларининг пишишига кўмаклашган иссиқ ёз ҳам ёрдам берди. Эртаки картошка ҳосили ҳам мўл бўлди.

Ёрдамчи совхоз мижозлари орасида Харьков ва Киев, Оренбург ва Ухта газчилари бор. Лекин тюменликлар асосий истеъмолчи бўлиб қоляптилар. Уренгойга 500 тонна полиз маҳсулоти жўнатилди, яна шунчаси жўнатишга тайёр: Эртаки картошкага келсак, уни харажатлар билан қиёслашмай. Сибирга ҳатто самолётларда юборилди. Уренгойдан келган кучли «Алка» автофургонлар 110 гектар майдонда етиштирилган ҳосилни олиб кетди. Сибирлик тажрибали шоферлар бир неча минг километрлик маршрутни уч кеча-кундузда босиб ўтадилар.

Энди Сибирга қашқадарёликлар етиштирган бир ярим минг тонна пиёз жўнатилади. Унинг ҳар бир тоннаси хўжаликка 500 сўмгача даромад келтиради, бу маблағнинг асосий қисмидан ишлаб чиқаришни кенгайтиришда фойдаланилади.

Қаршн
(ЎзТАГ мухбири).

АҲИЛ КОЛЛЕКТИВ

Андижондаги 162-қурилиш трестига қарашли 1-қурилиш бошқармасининг ўринбой Режабоев бошлиқ бригадаси мусобақада бир неча йиллардан буён пешқадамлик қилиб келмоқда.

Бригада аъзолари ўтган йили Андижон ип газлама комбинати қурилишида 1,5 миллион сўмлик монтаж ишларини бажаришиб, энг юқори кўрсаткичга эришдилар. Бригада бошлиғининг таъкидлашича, коллективда қарор топган дўстлик, ҳамжиҳатлик, ўзаро ёрдам ютуқларининг асосий гарови бўлмоқда.

Бригада бундан ўн йил муқаддам биринчилар қаторн пудрат усулида ишлашга ўтганди. 1987 йилдан эса коллектив пудрат усулида ишламоқда. Шу йиллар ичида бригадада меҳнат унумдорлиги деярли 51 процент, иш ҳақи 21 процент ўсди. Қўнимсизликка барҳам берилди.

Коллективда юзага келган ҳар қандай муаммони беш кишидан иборат бригада кенгаши ҳал қилади. Бригада кенгашига сайланган монтажчиларнинг миллати ҳам турлича. Ўринбой Режабоев — ўзбек, Анатолий Ким — корейс, Александр Чечель — немис, Асан Гадала — татар, Александр Боголюбов — рус.

Интернационал бригада XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси ўтказилган йилда зиммаларига оширилган мажбурият олиб ишламоқдалар. Улар шу йилнинг ўзида уч йиллик плани бажариш ҳамда 3 минг киловатт-соат электр энергиясини тежашга сўз бердилар. Бу мақсад йўлида коллектив зарбдор иш суръатини давом эттирмоқда. Бригада йилнинг ўтган ойлари планини 108,8 процент бажарди.

К. НИШОНОВ.

• Бизга ёзадилар

ЧИДАМЛИ РЕЗЕЦ

● Москвадаги Бутуниттифоқ халқ хўжалик ютуқлари виставкасида Тошкент «Технолог» ишлаб чиқариш бирлашмасининг маҳсулоти намойиш этилянти.

Бирлашма мутахассислари чўян деталларни қайта ишлашга мўлжалланган ўта мустаҳкам материаллардан махсус резецлар тайёрладилар. Бу резецлар ишланаётган деталлар сифатини яхшилайди. Корхона мутахассисларининг бу кашфиёти бирлашмага 10 минг сўмдан ортиқ иқтисодий самара келтиради.

Т. ХОБОТЬЕВ.

«ТОШКЕНТ» КЎЧАСИ

● Белоруссия пойтахти — Минскда Тошкент номи билан аталувчи кўча бу ердаги энг кенг ва ободонлашган магистраллардан бири ҳисобланади.

Кўчадан бутун Минскнинг умумий кўриниши яққол кўзга ташланади. «Дружба» кинотеатри, хилма-хил магазинлар, ажойиб осмонўпар уй-жой бинолари кўча ҳуснига ҳусн қўшган. Йигирма йиллар илгари Белоруссия бинокорлари зилзиладан зарар кўрган Тошкентда қурилиш ишларида қатнашдилар. Ана шундан сўнг бинокорлар Минскда Тошкент кўчасини барпо этдилар.

Ю. КОМЯГИН.

ҒАЙРАТ КЎРСАТИБ

ЎзТАГ фотомухбири С. Величкин олган бу суратларда Тюмень областида меҳнат қилаётган республикамиз вакиллари ҳаётидан лавҳаларни кўриб турибсиз. Ўзбекистонлик бунёдкорлар бу ерда янги нефть конларини очишда, уй-жойлар қуришда муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Улар ғайрат кўрсатиб ишлаб, топшириқларни муддатидан илгари бажариш учун мусобақани кун сайин қизитмоқдалар.

Суратларда: 1. «Узтюмендорстрой» трести биринчи йўл қурилиши бошқармасининг ишчиси Муқим Собиров. 2. Ўрим-йиғим пайти.

• Қардош Тожикистондан хат

РОҒУН— ЎРТА ОСИЁ НУРХОНАСИ

Роғун сўзи илгари форстожик адабиётида «Роғун» шаклида ишлатилиб тоғ оралиғидаги текислик, кенг майсазор маъносини англатган. Кейинроқ Роғун шаклига кўчган. Ҳозир шу масканда — асов Вахш дарёси бўйида, Норак электр станциясидан 70 километрча юқорида Роғун ГЭСи барпо этиляпти.

Станция биноси тоғ ичидаги туннелда қурилмоқда. Ҳар бири 600 минг киловаттли олтита агрегат ўрнатилади. Умумий қуввати 3 миллион 600 минг киловатт бўлади. Анъанага кўра, бу станциянинг ҳам лойиҳаси Тошкентда — «Средазгидропроект» институтида тайёрланяпти.

Лойиҳаси Ўзбекистонда яратилаётган Тожикистондаги Роғун ГЭСи дастлабки агрегати 1989 йил охирида ишга туширилади. Бу билан Ўрта Осиё электр халқасига яна бир шиддатли нур оқими қўшилади.

Дўстлик ҳайкали

Йиллар из қолдирмоқда. Мана, улардан айрим саҳифалар. 10 июль 1972 йил. ГЭС қурилиши тарихида илк саҳифа очилди. Бунёдкорлик майдонида дастлабки ишчи табели тўлдирилди. Табелни участка бошлиғи Б. Соболев расмийлаштирди. Унда В. Бахтин, О. Лабзин, П. Якимов ва А. Попов каби шофер, маркшейдер ва монтажчилар номи қайд қилинди. 2-табель расмийлаштирилганда, ишчилар сони икки кишига — роғунлик Мардон Гулов ва ўзбек йигити Анвар Давлатовлар ҳисобига ошди. Кичкинагина, беш миллат вакилларидан иборат интернационал коллектив вужудга келди. Айни кунларда эса ГЭС қурилиши объектлари — сув оқиб ўтувчи транспорт туннели ва машина зали майдонини очишда, тўғон тиклаш, шаҳар қурилишида олти минг нафардан ортиқ қирқ миллат ва элат вакиллари — етмиш хил касб эгалари фидокорлик кўрсатиб меҳнат қилмоқда.

Роғун «ГЭСстрой» бошқармаси бошлиғи Николай Савченков бундай ҳикоя қилади:

— Асов Вахш дарёси ўтган йил тўсилиб, ГЭСнинг биринчи агрегатини ишга туширишга киришилди. Дастлабки туннелни ишга туширишда «Гидроспецстрой» қурилиш бошқармаси коллективи жасоратли меҳнат қилди. Туннелсозлар 33 миллион сўмлик ишни адо этдилар. Асосий қурилиш участкаси бунёдкорлари ҳам катта ғайрат кўрсатиб ишладилар.

Дарҳақиқат, ҳозир қурилишнинг барча участкаларида зарбдор меҳнат мароми қизғин давом этяпти. Қурувчилар суръатни бугун кечагидан, эртага бугунгидан тезлатишга, унумлироқ, сифатлироқ ишлашга ҳаракат қилишяпти. Шу йил апрель ойида яна бир қувончли воқеа юз берди. 2-транспорт туннели ишга тушди.

Бошқарма коллективи бу йил 91 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажаради. Асосий қурилиш участкасида станциянинг дастлабки агрегатини ишга тушиши учун тўғон устига 4,5 миллион куб метр тоғ жинслари, соз тупроқ тўкиб, шиббаланади. Биринчи агрегат сув босими нормал бўлиши учун тўғон камида 80 метр кўтарилиши зарур. Бунинг учун ой сайин тўғон устига 300 минг куб метрдан тоғ жинслари тўкиб бориш лозим. Айни кунларда бу талаб орттириб бажарилмоқда.

Роғунликлар... Ҳа, бу ном анди тез-тез тилга олинадиган бўлиб қолди. Тожикистон комсомоли XXIV съезди делегати, қурувчилар бригадаси бошлиғи Шамсиддин Насриддинов, тоғ тешарлар саркорлари Юрий Шульга ва Ленин ордени нишондори Генадий Попов, 25—70 тонна юк ташийдиган БелАЗ машиналарининг ҳайдовчилари Абдулла Ризаев ва Зинаида Королева, бульдозерчи ўзбек йигити Муҳиддин Мамажонов...

Станцияни тиклаётганлар эса юзларча, мингларча! Москвадаги Жук номли Бутуниттифоқ илмий тадқиқотлойиҳа институтининг бўлимларида, шу институтнинг Тошкентдаги «Средазгидропроект» филиали хоналарида Роғун ГЭСи қурилишини тезлаштиришга ҳисса қўшаётганлардан тожикистонликлар миннатдор. Свердловскдаги электр машиналари заводининг азим цехларида, Харьковдаги гидротурбина заводи участкаларида Роғун ГЭСи генератори ва турбинаси яратаётганларни, боринчи, қирқдан ортиқ илмий тадқиқот институтлари ва уч юзга яқин саноат корхоналари инженер-техниклари азамат ишчиларини ҳам «Роғун ижодкорлари» деб аташга ҳақлимиз.

Ўзаро ҳамкор, ҳамнафас дўстлик туфайли Роғун ГЭСи ўз вақтида қуриб битказилишига аминмиз. Ҳадемай у элни нурга буркайди, халқ хўжалигига янги қудрат бахш этади. Бутун мамлакатимизда ишлаётган Роғун ГЭСи ўзбек, тожик, туркман, қирғиз, қозоқ, қорақалпоқ, татар, рус, украин, белорус, молдаван, литва, латиш, эстон, грузин, арман, озарбайжон, қорақалпоқ, чеченлар ва бошқа миллат вакилларининг ягона мақсад йўлидаги интилишларини ифода этади.

Ота касби

— Республикамиз территориясининг қарийб тўқсон уч процентини тоғ-у тошлар ташкил этади, — дея ҳикоя қилади Тожикистон Компартияси XX съезди делегати, БелАЗ юк машинаси ҳайдовчиси Акром Ҳамсариев ифтихор билан. — Шунга қарамай, энергия ресурслари бўйича тоғли диёримиз РСФСРдан сўнг иккинчи ўринда туради. Биргина Вахш дарёсида саккизта йирик ГЭС қуриш мумкинлигини ўрта мактабда ўқитувчимиздан эшитгандим. Ўшанда бу гаплар афсонадек туюлганди. Бугун эса шу бунёдкорлик ҳаракатида қатнашаётганим билан фахрланаман.

Акром асли нурчилар оиласидан, отаси Камол Ҳамсариев эллигинчи йилларда Бош тўғон ГЭСи қурилишига ўтди. Маҳаллий кишилардан бетончилар бригадаси тузиб, машҳур Пулисангин тўғони остига бетон қуйишда ибрат кўрсатган. Йўл, уй-жой бинолари қуриш, Норак ГЭСи пойдеворини кўтаришда ном қозонди. Бир неча орден ва медаллар билан тақдирланган.

Ўғли Акром ҳам 1976 йил сентябрь ойида отаси изидан бориб, Роғун бунёдкорлари сафига қўшилди. Отаси йўл қурган бўлса, Акром машина рулига ўтирди.

Ўн йилдирки, БелАЗ ҳайдайди. Отаси қурган бетон йўллардан қатнаб, баландлиги 325 метрга етадиган тўғон остига тош-тупроқ ташияпти.

Шу кунларда Роғунда бўлган киши фидокорлик кўрсатиб ишлаётган турли миллат вакилларини учратади. Дўстларнинг аҳл меҳнати туфайли ўтган ўн йил ичида қурилишнинг Сарипулак ва Майдон зонасида 70 минг квадрат метр уй-жой, 1176 ўринли мактаблар, 320 ўринли боғча-ясли, жамоатчилик маркази, кинотеатр, нон заводи ва қатор маданий-маиший бинолар, саноат базалари ишга туширилди.

Турли миллат вакиллари — уста бинокор Ғаффор Жабборов, БелАЗчи шофер Абдурасул Зиёев, асосий қурилиш участкаси мастери Александр Андриенко ишларнинг тез ва соз бажарилишида шахсий намуна кўрсатаётир.

Тожикистон ГЭСлар шодасидаги Роғун электр станцияси тўла қувват билан ишлай бошлагач, мамлакат энергетика тармоғига янгидан 13 миллиард киловатт-соат қўшади. Шу тариқа республика халқ хўжалигида 4,25 миллион тонна шартли ёқилғи тежалишига ёрдам беради. Ўрта Осиёдаги бошқа республикалар халқ хўжалиги ҳам Тожикистон ГЭСи гидроэнергетика имкониятларидан баҳра олади.

Ж. ТОШМАТОВ,
Тожикистон Журналистлар союзи А. Лоҳутий мукофотининг лауреати.





батан беқиёс ўсган бўлса-да, у ўзининг аҳамиятини ҳозир ҳам сақлаб келмоқда.

СССРда миллий масала КПССнинг миллий Программасига мувофиқ турли асосда ҳал қилинди. Миллатлар ва элатлар ўз совет республикалари ҳамда автоном областлари ва округларини туздилар, гражданларнинг чинакам тенг ҳуқуқлилиги, қайси миллатга мансублигидан қатъий назар миллатларнинг чинакам тенг ҳуқуқлилиги ҳаёт қонуни бўлиб қолди.

Ирқи ва миллатидан қатъи назар гражданларнинг тенг ҳуқуқлилиги СССР Конституцияси ва бошқа совет қонунлари томонидан кўриқланади. Масалан, Ўзбекистон ССР ва бошқа республикаларнинг Жиноят кодексларида **миллий ва ирқий тенгликнинг бузилиши шахсга қарши жиноят эмас, балки давлатга қарши жиноят деб таърифланади.** Бу билан содир этилган хатти-ҳаракатнинг оғирлиги кучайтирилади.

Совет кишилари тенг ҳуқуқлиликка риоя этилишига, гражданларнинг тенг ҳуқуқлилиги тўғрисидаги конституцион қоидалар ва талабларнинг заррача бўлса-да бузилишига жуда сезгирдирлар.

Ҳаётнинг ҳамма томонлари қайта қурилаётган ва демократиялашаётганлиги юзага келган проблемалар ошкора муҳокама этилаётганлиги ва ҳал қилинаётганлиги имконияти миллий муносабатлар соҳасида ҳам хатолар, салбий ҳодисалар борлигини кўрсатмоқда. Илгарилари миллий муносабатлар соҳасида ҳеч қандай муаммолар қолмади, деб бу масала билан шуғулланилмай қўйилди. Натижада маҳаллийчилик, миллий биқиқликка мойиллик, миллий манманлик кайфиятлари кўрина бошланди. Ёшлар орасига миллатчилик кайфиятларн кириб кела бошлади.

Ҳозирги вақтда миллий сиёсат масаласига назарияда ҳам, амалиётда ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Чунки бу жамиятимиз ҳаётининг муҳим масаласидир. Масалан, миллатлараро муомала тили, икки тиллилик масаласини олайлик. Бизнинг мамлакатимизда ҳаётнинг ўзи, тараққиётимиз тақозоси миллатлараро муомала воситаси сифатида рус тилинн ўрганиш заруратини келтириб чиқарди. Рус тилининг аҳамияти халқлар ва элатларни бир-бирига яқинлаштириб, интернационал тарбиянинг энг муҳим омили бўлиб қолди. Рус тили муомала воситасидан жаҳон маданияти ва фани хазиналаридан, инсоният эришган энг яхши ютуқлардан баҳраманд бўлиш воситасига айланди. Шунинг учун ҳам барча республикаларда рус тилини ўрганишга катта аҳамият берилмоқда ва бу тилни билиш даражаси ҳақли равишда маданиятлилик ва саводлилик, гражданлар интернационализми мезони деб баҳоланмоқда. Бу борада сезиларли ютуқларга эришилган бўлса да, масала ҳозирча тўла ҳал этилгани йўқ.

Рус тилини ўрганишни рус бўлмаган халқлар учун ўз она тилини ўрганишга қарама-қарши қўйиш партиямизнинг сиёсатига, марксча-ленинча идеологияга зиддир. Шунинг учун ҳам бу йўлдаги ҳар қандай уринишга кишиларда миллатчилик туйғуси ва кайфиятини туғдиришга уриниш, деб қаралмоғи лозим. Бу ўринда гап халқларнинг маънавий ривожланиши, интернационализм ҳақида бормоқдаки, бу фақат миллий тил, миллий тарих, миллий манфаатлар доирасига биқиниб қололмайди. **КПСС рус бўлмаган халқлар ва элатлар рус тилини яхши эгаллашлари билан бирга у ёки бошқа иттифоқдош республика территориясида яшовчи бошқа ҳар қандай миллат гражданларининг мажбур республика туб миллати тилини эгаллашдан ҳам манфаатдордир.**

Миллий-рус тилини билиш — икки тиллилик шу кунниинг энг долзарб масаласи бўлиб турибди. Ҳар қандай халқнинг, ҳар қандай элатнинг тилига, урф-одатларига, тарихи ва маданиятларига менсимай қараш ҳолларн кескин қораланишга лойиқдир. **«СССРдаги барча гражданларнинг она тилларини эгаллаш кўп миллатли давлатимизнинг энг муҳим принципидир»,** — деб уқтирилди КПСС XIX Бутуниттифоқ конференцияси резолюциясида.

Демократия ва ошкоралик ҳаётимизнинг нормаси бўлиб қолди, омманинг ижодий активлигини ошишига олиб келди. Бу ошкоралик ва демократиядан, афсуски, иш манфаатлари йўлидагина фойдаланилаётгани йўқ. Ошкоралик ниқоби остида кишини чалғитадиган баъзи ноҳуш ҳоллар ҳам юз бермоқда. Бу ҳол узоқ ўтмишдаги у ёки бошқа ҳодисани идеаллаштириб кўрсатишда, у ёки бошқа арбобнинг ролини бўрттириб кўрсатишда, тараққиётнинг конкрет-тарихий ва синфий шароитини эсдан чиқаришда кўринмоқда. Миллий мумтозлик ғояси миллий қарамлилик ғояси сингари марксизм-ленинизмга, тарихга, фанга зиддир. Баъзи миллатчилик кайфиятидаги гражданлар йўқ бўлган жойда шундай муаммоларни сунъий равишда келтириб чиқаришга уриниб, халқлар ўртасида қарор топган дўстликка путур етказиш учун миллий туйғуни қўзғатишга ҳаракат қиладилар.

Миллий муносабатлар борасидаги салбий ҳоллар, миллий туйғуни ҳурмат қилмаслик миллий белги эмас, балки синфий белгидир. Миллий муносабатлар соҳасидаги ноҳуш ҳолларнинг юз беришига баъзи гражданларда қатъий интернационал эътиқоднинг йўқлиги ва миллатлараро муомала маданияти етарли даражада ўсмаганлигидадир.

Шуни ҳам айтиш керакки, бизнинг ғоявий мухолифларимиз мамлакатимиз халқларининг миллий туйғулари билан ўйнашиб кўрмоқчи бўладилар. Улар ҳозир ҳам бизнинг халқларимизга ўзини қандай тутишни, у ёки бошқа тарихий фактни қандай талқин этишни ўргатмоқчи бўладилар. Ғоявий мухолифларимиз мамлакатимизда миллатлар ўртасида ўзаро ишончсизликни авж олдириш мақсадида ҳар хил кўринишдаги миллий муносабатлардан жуда устали билан фойдаланадилар. Буларнинг ҳаммасидан совет кишиларини интернационал ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш юзасидан аниқ, чуқур ўйланган ҳолда кундалик иш олиб бориш, миллий муносабатлар борасидаги ҳар қандай ноҳуш ҳолларни очиқ-ойдин кўрсатиб бериш ва уларни жамоатчилик муҳокамасига қўйиш керак, деган табиий хулоса келиб чиқади.

Тараққиётимиз диалектикасининг ўзи республикалар ўртасида кадрлар, мутахассислар, партия ходимлари билан алмашинуви туришни кенг йўлга қўйиш заруратини келтириб чиқарди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Р. Н. Нишонов республика Компартияси Марказий Комитетининг Пленумида қилган докладида қайта қуришда раҳбарлик ҳақида гапириб, КПСС Марказий Комитети томонидан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетига «партия, совет ва давлат аппаратининг барча бўғинларини билимдон ходимлар билан мустаҳкамлаш учун мамлакатнинг барча регионлари ёрдамидан фойдаланиш имконияти бериб қўйилди», — деб таъкидладн.

КПСС Марказий Комитетининг кадрларни ўстириш, кенг тажриба алмашиш, ҳаётимизнинг ҳамма томонлари ва аспектларини янада интернационаллаштириш тўғрисидаги ғамхўрлиги худди шунда намоён бўлмоқда. Партия раҳбарлик органларида миллатларнинг вакиллигида адолат бўлиши тўғрисида, раҳбар кадрлар составн миллий структурани тўла-тўкис акс эттириши тўғрисида ғамхўрлик қилмоқда. Бунда гап миллий белгига қараб ўринлар ва лавозимларни шунчаки тақсимлаш тўғрисида бораётгани йўқ. Бу интернационализм ғоясини вулгарлаштириш бўлур эди. Мисол учун Советларнинг биринчи Бутуниттифоқ съездида СССР Марказий Ижроия Комитетини сайлашга ленинча ёндашувни олайлик. Ўшанда РСФСР ва Украина ССР бир қанча ўринларни ихтиёрий равишда аҳолиси камроқ бўлган иттифоқчи республикаларга берган эдилар. Шунинг ҳисобига, аҳолиси СССР аҳолисининг 4,2 процентини ташкил этган Закавказье федерацияси Марказий Ижроия Комитети аъзолари составида етти процентни ташкил этган эди. Белоруссия ССР СССР аҳолисининг 1,2 процентини ташкил этгани ҳолда, 1,9 процент ўрин олган эди.

Бизнинг давлатимизга, республикаларга давлат тили керак-ми? деган масала ҳам диққатга сазовордир. В. И. Ленин бу масалага **«Мажбурий давлат тили керакми?** деган махсус мақолани бағишлади. В. И. Ленининг кўрсатишича, мажбурий давлат тили бутун аҳолига бир тилни зўрлаб тиқиштиришдир. Барча расмий ишларни юритиш албатта давлат тилида олиб борилиши лозим. Шунинг учун мажбурий давлат тили тўғрисидаги масала бизнинг мамлакатимизда Улуғ Октябрнинг биринчи кунлариданоқ бекор қилинган эди. Давлат тили рус тили бўлиши мақсадга мувофиқ, деган фикрда бўлганларга жавоб бериб, В. И. Ленин бундай деб ёзган эди: **«Тургенев, Толстой, Добролюбов, Чернишевский тили улуғ ва қудратли тил эканини сизлардан кўра яхшироқ биламиз. Қайси миллатга мансублигига қарамай, Россиядаги барча миллатларнинг мазлум синфлари ўртасида мумкин қадар мустаҳкам алоқа ва қардошларча бирлик ўрнатилишини сизлардан кўра кўпроқ хоҳлаймиз. Шунинг учун ҳам биз Россиядаги ҳар бир кишининг улуғ рус тилини билиш имкониятига эга бўлишига тарафдормиз, албатта.**

Биз фақат бир нарсани: мажбурийлик элементи бўлишини хоҳламаймиз».

В. И. Ленин башорат қилганидек, СССР халқлари рус тилини ўзларининг иккинчи она тили деб ихтиёрий танлаганлиги, шу тилни ихтиёрий ўрганиши ажойиб натижалар берди.

В. И. Ленининг давлат тили тўғрисидаги бу қоидаси эскиргани йўқ. Лекин баъзан нима учун баъзи республикаларнинг Конституцияларида давлат тили белгилаб қўйилган, деб сўрашади. Объектив равишда олганда давлат тилини ўрнатишга эҳтиёж йўқ. Лекин, бу масала ижтимоий онгнинг муайян қисми эътиборида экан, уни тўғри тушуниш тантана қилгунга қадар кутиб турмоқ лозим бўлади.

Ҳозирги вақтда мамлакатимизда катта ўзгаришлар юз бермоқда. Эркин нафас олмоқдамиз. Демократия ва ошкоралик, цивилизацияли жамиятнинг бу ажойиб белгилари жамият, меҳнат коллективларининг кундалик ҳаётига дадил кириб бормоқда. Лекин бу маънавий фаровонликлардан ҳалол ва виждонли меҳнаткашларгина эмас, балки, демагоглар, амалпарастлар, бюрократлар ва шу сингарилар ҳам фойдаланмоқда. Демагогларнинг жавобгарликни ҳис этмаслиги шунга олиб келмоқдаки, баъзи бировлар хаёлларига нима келса ҳаммасини жамоатчилик ҳукмига ҳавола этишга уринмоқдалар. Ошкоралик ва демократия тушунчаларн ғоявийлик ва партиявийлик тушунчалари билан аралаштириб юборилмоқда. В. И. Ленин бундан 86 йил муқаддам айтганидек, социалистик идеологияни ҳар қандай хас-пўшлаш, ундан ҳар қандай чекланиш буржуа идеологиясини кучайтириш демакдир. Бу сўзлар бугунги кунда ҳам актуалдир.

Совет халқлари дўстлиги, социалистик интернационализм — бу бизнинг буюк ғалабамиз, ифтихоримиздир. Бу ягона совет кўпмиллатли давлати куч-қудратининг манбаи, социалистик тузум мустаҳкамлиги ва бирлигимизнинг негизидир. Бинобарин, бу негизга доғ туширмоқчи бўлганларга қатиқ зарба берилиши керак. Бу ўринда гап бундай шахсларга жиноий жазо бериш ҳақида бораётгани йўқ. Бу ўринда гап В. И. Ленин таълим берганидек, бизнинг ғоявий позицияларимизни ҳимоя қилиш тўғрисида, марксча-ленинча таълимотнинг софлиги, миллий масала бўйича марксча-ленинча назариянинг софлиги тўғрисида бормоқда.

Ш. ЎРАЗАЕВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси.

Дунё овози

Халқаро мукофотлар берилди

САН-ФРАНЦИСКО. (ТАСС). КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев билан АҚШ президенти Р. Рейган «Урушларсиз дунё учун кураш» ташкилотининг 1988 йилги мукофотининг лауреатлари деб расмий равишда эълон қилинди. Бундай мукофот тинчликни мустаҳкамлашга ва ядро уруши хавфини бартараф этишга жуда каттаҳисса қўшган сиёсат ва жамоат арбобларига, шунингдек давлатларга ҳар йили берилади.

Бу йилги мукофот Совет ва Америка раҳбарларига улар Қўшма Штатлар билан Совет Иттифоқи ўртасидаги муносабатларни ўзгартирганликлари, бу муносабатларни ошкора душманликдан эҳтиёткорона ҳамкорлик изига ўтказганликлари, шу тариқа бутун дунёда қирилиб кетиш хавфини камайтирганликлари ва жаҳонда уруш хавфи бутунлай тугатилишига бўлган умидни кучайтирганликлари учун берилди, деб таъкидлади «Урушларсиз дунё учун кураш» ташкилотининг президенти Р. Рэтбан ўз расмий баёнотида. Ҳар иккала раҳбар Ер юзи халқларининг тинч келажакка бўлган орзу-умидларини ифода этиб, бу ишда ҳал қилувчи роль ўйнадилар.

«Урушларсиз дунё учун кураш» ташкилоти турли касбдаги кишиларни — илмий, сиёсат ва савдо-саноат доиралари вакилларини, шунингдек тинчлик ҳаракатида фаол қатнашаётган ғоят кенг жамоатчиликни бирлаштирган. АҚШнинг 50 та штатидан 40 тасида, шунингдек бир қанча бошқа мамлакатларда бу ташкилотнинг филиаллари бор. Контадора группаси мамлакатлари, «Ядро урушининг олдини олиш учун курашувчи жаҳон врачлари» халқаро ҳаракати ташкилотининг ўтган йиллардаги мукофоти лауреатларидир.

ҚАРДОШЛИК ҚОНУНИ БИЛАН

Афғон хонадонларида табиий газ

Афғонистоннинг Шибирғон шаҳрида яшовчи минглаб аҳоли Ўзбекистон газчилари ишларидан жуда мамнун бўлишди. Бу ерда газ тармоқларининг олти километрли участкасига қувурлар ўтказилди. 43 та икки қаватли уй газлаштирилди. «Средазгазпром» бирлашмаси мутахассислари шаҳарни газлаштиришнинг биринчи босқичини ниҳоясига етказдилар. Бу ишларнинг ҳаммаси текинга, оталиқ ёрдами сифатида бажарилди.

Йил бошида Ўзбекистон газчилари билан Афғонистон Республикаси Кон ишлари ва саноат министрлигининг «Афғонгаз» департаменти ўртасида бевосита оталиқ алоқалари тўғрисидаги протокол имзоланган эди. Ўшанда яқин орада қилинадиган ишлар, бу ишларни бажариш муддатлари келишиб олинган эди.

Ишни Шибирғон шаҳридан бошлашга қарор қилишди: магистрал газ қувури яқин жойда бўлишига қарамай, шаҳарга зангори олов келтирилмаган эди. Совет томони лойиҳа ишларини, ускуналар ва материаллар етказиб беришни ўз зиммасига олди. Дастлабки даврларда газ линиясини Ўзбекистон мутахассислари ишлатишлари ҳақида ҳам келишиб олинди.

Орадан унча кўп вақт ўтгани йўқ. Лекин жуда кўп иш бажарилди. Газ қувурларининг биринчи навбатини ётқизиш билан бирга унинг иккинчи навбатига тайёргарлик ишлари ҳам олиб борилди. «Средазнигипрогаз» институтининг лойиҳасида яна 20 километр узунликда газ шохобчалари ётқизиш, 900 та хонадонни газлаштириш кўзда тутилган.

Ҳозир ана шу ишларга тайёргарлик кўрилмоқда. Бухоро газ саноати техникумида афғон мутахассисларига таълим берилмоқда. Улар келгусида шаҳар газ хўжалиги идораларида хизмат қилишади.

(ЎзТАГ мухбири).

Келинг, дўстлашайлик!

Американинг Сиэтл шаҳридан келган 12 ёшли ўқувчи Ноа Данквард Ўзбекистон пойтахтидаги тенгдошларидан жуда кўп нарса олса керак. Бу ерда очилган америкалик болалар чизган расмлар кўргазмасида Ноа Данквард ўзи туғилиб ўсган шаҳарни жуда чиройли тасвирлаб берган. Ана шу расм томошабинларга айниқса ёқиб қолди. Расмга рус тилига ўгирилган хат ҳам илова қилинган эди. Ноа бу хатда Техас шаҳрида туғилганлигини, Американинг тўққизта штатида бўлишга улгурганини, беш ака-ука ва сингиллари борлигини, шунингдек учта мушукчани меҳр билан парваришлаётганини, спорт билан, айниқса туризм билан қизиқишини ёзган. У ғаввос бўлишни ҳамда сув остида сузиб, расм чизишни орзу қилади. Отаси денгиз офицери эканлигини, онаси госпиталда ишлашини ёзган. У тошкентлик болалар билан дўстлашишни жуда-жуда хоҳлар экан.

Ёш сиэтлликлар юборган 80 та расмнинг ҳар бирига хат илова қилинган бўлиб, уларда болалар ўзлари, оиларлари ҳақида, қизиқишлари ҳамда орзулари ҳақида батафсил ҳикоя қилишади. Мана, масалан, 8 ёшли Шанта Говардни олайлик. У ғоят эпчиллик талаб этиладиган «Дубль-дуч» ўйинини жуда яхши кўришини ёзади. Бу ўйин биздаги «Сакра бодом» ўйинига ўхшайди. 10 ёшли Рейчел Стрит эса сузиш билан шуғулланишни маъқул кўради. 7 ёшли Алисон Педила қандай ўйинни севишини ёзмайди. Бинобарин, Ватанидан жуда узоқда жойлашган шаҳарга катта қизиқиш билан қарайди. Ҳар бир асарнинг остига ана шу асар муаллифининг фотосурати ҳам қўйилган.

Тошкент билан Сиэтл орасида ўн минг километр масофа бор. Лекин дўстлик масофа билмайди. Шу йилнинг баҳор фаслида Америка Қўшма Штатларида бўлган тошкентлик мактаб ўқувчилари бунга ишонч ҳосил қилишди. Уларнинг чет эллик тенгдошлари ҳам худди шу ҳақда ёзадилар. Сиэтллик болаларнинг ҳар бир мактубида «Келинг, дўстлашайлик» деган таклиф бор.

Кўргазма очилган Ўзбекистон тарихи ва маданияти ёдгорликлари пропагандаси уйига келган барча кишилар америкалик болалар асарларини зўр қизиқиш билан томоша қилмоқдалар.

— Бу кўргазма бир ой давом этади, дейди пропаганда уйи директори К. Ҳикматова. — Сўнг Ўзбекистоннинг бошқа шаҳарларига ҳам боради. Хатлар эса инглиз тилини чуқур ўргатилаётган Тошкентдаги мактабларга берилади — хоҳлаган ўқувчилар тенгдошлари билан хат ёзишиб туришлари мумкин.

Бинобарин, ҳозирдаёқ кўргазмага келаётган болалар ўз ён дафтарларига америкалик тенгдошларининг адресларини ёзиб олишмоқда. 80-мактаб ўқувчилари эса уларга совға тайёрлашга ҳам улгурдилар. Улар ўз совғалари — миллий тақинчоқ — туморларни Сиэтлдан биродарлашган шаҳар Тошкентга келадиган Америка делегацияларидан бири орқали ўз тенгдошларига юборишни мўлжаллаб туришибди.

Кўргазма «Сиэтл — Тошкент» биродарлашган шаҳарлар комитетининг ташаббуси билан ташкил этилди. Америкадаги ана шу жамоат ташкилоти ва Тошкент шаҳар ижроия комитетининг кучғайратлари билан биргаликда кўпгина программалар амалга оширилди. Врачлар, педагоглар, бадиий коллективлар, журналистлар ўзаро юбориб турилди. Альпинистлар тоғ чўққиларига биргаликда кўтарилишди. Янгиянги сафарларни уюштириш режалаштирилмоқда, касалхоналар, мактаблар ўртасида ҳам ҳамкорлик ўрнатиш нияти бор. Халқ дипломатияси икки мамлакат халқлари ўртасидаги ишончни мустаҳкамлаш учун хизмат қилмоқда. «Келинг, дўстлашайлик», — болалар бир-бирларига чин дилдан ана шундай деб ёзишмоқда. Келинглар, Ер юзида тинчлик ва эзгулик йўлида дўстлашайлик ҳамда ҳамкорлик қилайлик, дейишмоқда катталар.

Э. ТУХВАТУЛЛИНА,
ЎзТАГ мухбири.

● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ●



ҚУЙИ ФИЗКУЛЬТУРА КОЛЛЕКТИВЛАРИДА

Машғулотлар мунтазам ўтказилмоқда

«Навоназот» ишлаб чиқариш бирлашмасининг кимёгарлари спортга чин қўнгилдан меҳр қўйишган. Ишчи-хизматчилар сафида уларнинг фарзандлари ҳам бадантарбия машқларини қўнгилдагидек бажаришга интилишади. Оилавий спортчилар сафи кенгайиб бораётир. Корхонада спорт базалари мавжуд. Турли секцияларда машғулотлар мунтазам ўтказилиб турибди.

Физкультура коллективлари ўртасида мусобақалар ўтказиш яхши йўлга қўйилган. Уларнинг натижалари корхона рекордлари дафтарига ёзилмоқда.

Ҳар бир тўгаракнинг ўз жонкуярлари бор. Масалан, ишчи М. Чулков теннис бўйича машғулотларга бошқош. Унинг группасида 14 киши теннис билан шуғулланади. Улар маҳоратни кун сайин ошириб боришмоқда.

Тўгараклар жадвалини кўздан кечирамиз. Тўгараклар номи, машғулотлар соати аниқ кўрсатилган. Ёшлар ўртасида футбол, гимнастика, ватерпол, кураш бўйича разрядлилар сафини кенгайтириш учун ибратли ишлар амалга оширилаётир.

Суратда: ишчилар машғулот пайтида.

Ф. Қурбонбоев фотоси
(ЎзТАГ).

ОЛИМПИАДА:

Тантана олдидан

Эртага жаҳон спортчиларининг йирик анжумани — ёзги Олимпиаданинг тантанали очилгани ҳақида хушхабар тарқалади. Спорт байрамининг очилишига бағишланган маросимни унутилмас таассуротларга бой бўлиши учун ҳар томонлама ҳозирлик кўрилди. Лекин бундай тантанани стадионда кўриш ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Бинобарин, кириш билетларини қўлга киритган олибсотарларнинг иши чаққон. Улар қулайроқ жой учун мўлжалланган ва 200 доллар турадиган билетларни 5700 долларгача пуллашдан ҳам қайтмаяптилар. Икки ҳафта давом этадиган мусобақаларга ҳам қизиқиш катта. Айниқса, мухлислар дзюдо, сузиш ва спорт гимнастикаси каби баҳсларга билетларни кўпроқ харид қилишмоқда.

Олимпиада машъаласини ким ўт олдиради? Олимпиада ташкилотчилари буни сир тутишмоқда. Лекин бир неча кун илгари 76 ёшли марафончи ҳақида кўп ёзилиб, машъалани ёқишдек фахр Ки-Тен-Сонга насиб этса керак, деган фикрлар билдирилган эди. У 52 йил илгари Олимпиада чемпиони бўлган. Ҳозирча машқларга зўр бераётган бу марафончи Олимпиада оловини ёқишга орзуманд.

Спортчиларни мусобақаларда иштирок этиши ҳам осон кўчмайдиган кўринади. Боиси, улар медицина кўригидан ўтишлари лозим. Бунда асосан уларни фойдаланиш мақсадида тез-тез бўлади. Уларнинг тинч-тотувлик билан ҳаёт кечиришлари борасида суҳбатлар ўтказади. Бу соҳада Ҳамро аканинг хонадонидаги ширин, тотув ҳаёт катта ўрнак бўлаётир. Кўпчилик бу оилага ҳавас қилиб яшайди.

Д. ЗОКИРОВА,
«Совет Ўзбекистони» газетаси редакцияси ҳузуридаги мухбирлар мактаби тингловчиси.

ЧИМ ХОККЕЙ:

Иккинчи ўринда

Аёллар командалари ўртасида кечиктирилган учрашувлар ўтказилди. «Андижанка» қизлари «Колос» коллективини қабул қилдилар. Биринчи учрашувда майдон эгалари 2:1 ҳисобида ютиб, такрорий ўйинда имконият (0:2) бой берилди. Шундай қилиб, хоккейчиларимиз 34 очко билан иккинчи ўринда боришмоқда. «Колос» ҳисобида 36 та очко бор. Тошкент областининг «Политотдел» коллективи 28 очко билан тўртинчи ўринни эгаллаб турибди.

ГИЁҲВАНДЛИК — ИЛЛАТ

ЛОҚАЙД БЎЛМАЙЛИК

Оператив группа аъзолари Бахмал районидаги Тангатопти қишлоғида яшовчи Уммат Қодировнинг ҳовлисига кириб келишганда, уй эгаси ўзини хотиржам кўрсатишга уринди. Томорқага экилган кўкнори пояларини кўрсатишганида, хонадон соҳиблари: «Ҳосили пишмасдан юлиб ташлаганмиз», — деб айтишди. Ростдан ҳам экинзорда кўкноринг поясигина қолганди. Лекин ҳосилнинг яқиндагина йиғиштириб олингани кўриниб турарди.

— Мана бу ерни бир кўрсак, — деди оператив группа раҳбари Расим Хидиров янги бино ичкарисига ишора қилиб.

Милиция капитани адашмаган эди. У ерга 7 килограмму 100 грамм кўкнори ҳосили яшириб қўйилган экан. Шунингдек, кўча девори ва молхона оралиғидаги 40 квадрат метр ҳажмдаги майдонда ҳам кўкнори парваришланаётганлиги маълум бўлди.

Ғаллаорол районидаги аҳвол ҳам ташвишли. Қисқа даврда оператив группа 35 жойда кўкнори экилганлигини аниқлади ва йўқ қилиб ташланди. 26 шахс устидан жиноий иш қўзғатилди. Хўш, маҳаллий партия, совет ташкилотлари, комсомол активлари бундай ҳолатларга нега бефарқ қарашяпти?

Б. САТТОРОВ,
А. ЦИРК.

ЯНГИ ҚУРИЛМА

Муборак районидаги «ВЛКСМ 60 йиллиги» совхози пахтакорлари ғўза баргини тўктиришда ишлатиладиган дефолиант эритмасини қўлда тайёрлаш ташвишидан қутулишди. Илгари 15 киши кун бўйи машғул бўладиган бу юмушни энди атиги 3 киши — механик, эритма тайёрлаш назоратчиси ва ёрдамчи ишчи бемалол уддалаяпти. Бу қулайликка маҳаллий рационализаторлар томонидан яратилган янги қурилманинг ишга туширилиши туфайли эришилди.

Қурилмани тайёрлашдан олдин махсус қудуқча қазилиб, унга қувур ўрнатилди. Бир метр баландликда кўтарилиб текисланган тупроқ уюми устига ҳар бири 60 тонналик иккита сув ҳавзаси ёнма-ён жойлаштирилди, уларнинг олд томонига дефолиант эритмасини аралаштирувчи махсус идиш ўрнатилди. Ҳавзалардан бирига насос ёрдамида сув тўлғазилгач, иккинчисига дефолиант суюқлиги солинади. Ҳавзалар остида аралашма тайёрланадиган идишга тўғрилаб жўмрак қўйилган.

Аралашма тайёрланадиган идишга нормадаги дефолиант суюқлиги қўйилиб, иккинчи ҳавза жўмраги очилгач, идишга тушган сув билан дефолиант насослар ёрдамида сўриб олинади ва улар яхши аралаштирилади.

Тайёр дефолиант эритмаси махсус машиналарда далага чиқарилади ва ғўзаларга «ОВҲ-28» аппаратлари ёрдамида пуркалади.

Н. ТОҒАЕВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ташкилотлар, корхоналар, ўқув юртлари раҳбарлари, Тошкент шаҳри аҳолиси ва пойтахт меҳмонлари диққатига!

Тошкент саёҳат ва экскурсиялар бюросининг
ЭКСКУРСИЯЛАР БЎЛИМИ
СИЗЛАРНИ ВЛКСМ 70 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН
«МЕҲНАТ ВА МУДОФААГА ТАЙЁР БЎЛ!»
шиори остида

БАДИЙЙЛАШТИРИЛГАН ҲАРБИЙ-СПОРТ БАЙРАМИГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Байрам Чирчиқ шаҳридаги «СПЛАВ» стадионида
23—24 СЕНТЯБРДА ЎТКАЗИЛАДИ

Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округи жангчилари, олий ўқиш мастерлари, парашют спортининг хизмат кўрсатган мастерлари, ДОСААФнинг етакчи спортчилари, ТУРКВО духовой оркестри, қўшиқ ва рақс ансамбли ранг-баранг программа билан чиқадилар.

Эстрада ихлосмандларини Бутуниттифоқ эстрада артистлари конкурслари лауреатлари «Садо» ва «Наво» вокал-чолғу ансамбллари, шунингдек Бутуниттифоқ эстрада артистлари конкурсининг лауреати А. Петровецнинг чиқишлари беҳад хушнуд этади. Бадиий ҳаваскорлик коллективлари, ҳаваскорлик қўшиқлари клубининг аъзолари, умумий таълим мактаблари ва ҳунар-техника билим юртлари ўқувчилари ўз маҳоратларини намойиш этишади. Байрам иштирокчилари «Зенит» ҳарбий ватанпарварлик бирлашмаси чиқишларини томоша қилишади. Байрамда лотерея ўйналиб, тираждан автомобиллар, мотоцикллар, радио ва спорт товарлари ўрин олган.

Саёҳат ва экскурсиялар бюросининг экскурсиялар бўлими чунончи «Меҳнат ҳақида сўз» автобус экскурсиясини ҳам ташкил этган.

Экскурсия билетларини нақд ва пул ўтказиш йўли билан А. Навоий номидаги театр ёнида жойлашган «Турист» диспетчерлигидан сотиб олиш мумкин.

Экскурсия билетининг тахминий баҳоси — 6 сўм.

Барча масалалар юзасидан қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 69«а» уй («Пахтакор» метро станцияси).

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

РСФСР халқ артисти, масхарабоз Май — ЕВГЕНИЙ МАЙХРОВСКИЙ
масхарабозлар группаси иштирокида

«Ёркин давра аренаси»

ЦИРК СПЕКТАКЛИ

НОМЕР ПРОГРАММАСИДА:

РСФСР да хизмат кўрсатган артист Борис МАНЖЕЛИ раҳбарлигидаги «УРГАТИЛГАН ОТЛАР».

Валерий ВЛАДИМИРОВ раҳбарлигидаги — «АКРОБАТЛАР БАТУТДА».

Бутуниттифоқ конкурсининг лауреати Анжелина МАНАСТИРСКАЯ ижросида «ИЛЛЮЗИОН МИНИАТЮРАЛАРИ».

Анатолий Гуров, Лариса ва Андрей ОБОЛЕНСКИЙлар ижросида «Музикали буффонада»

Лайма БЕРЕЙШИТЕ ижросида «ОТДА ЮРИШ ОЛИЙ МАКТАБИ».

Томошаларда ўргатилган ҳайвонлар: КАПТАРЛАР, ЎРДАКЛАР, ҒОЗЛАР, ИТЛАР, ОТЛАР, МУШУКЛАР иштирок этади.

ТОМОШАЛАР 19.30 да; шанба кунлари — 16, 19.00 да; якшанба кунлари — соат 12, 15, 18.00 да бошланади.

Коллектив бўлиб тушиш учун заявкалар қабул қилинади.

Қишлоқ жойларида яшовчи томошабинларнинг заявкалари навбатдан ташқари инобатга олинади.

Касса дам олиш кунларисиз ҳар куни соат 10 дан 20.00 гача ишлайди.

Справкалар учун телефонлар: 44-35-81, 44-28-04, 44-35-84.

МИНИСТРЛИКЛАР, ИДОРАЛАР, КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

1988 йил 1 июлдан бошлаб «СредазНИИгаз» ва «УзГИПРОгаз» давлат лойиҳалаштириш институтлари базасида

«СРЕДАЗГАЗПРОМ» ишлаб чиқариш бирлашмасининг «СредазНИИгипрогаз» Ўрта Осиё илмий-тадқиқот ва газ саноати лойиҳалаштириш институти

ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

Мазкур институт юқорида айтиб ўтилган институтларнинг ишини бажаради.

«СРЕДАЗНИИГИПРОГАЗ» институтининг адреси: 700020, Тошкент шаҳри, Беруний кўчаси, 83-уй.

ТОШКЕНТ ТЕХНИКА МАКТАБИ

1988 йил сентябрь ойидан бошлаб

«ЕҒОЧНИ ҚАЙТА ИШЛАШ СТАНОКЧИСИ» ихтисоси бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўқиш муддати — бир ой.

Машғулотлар группалар комплектлангандан сўнг бошланади.

Ўқишга Совет Армияси сафларидан запасга бўшатилган, 18 ва ундан катта ёшдаги

ЭРКАКЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўқиш даврида 100 сўм стипендия тўланади, ётоқхона берилади.

Ўқишни тамомлаганлар Амазор ўрмон саноати хўжалигига (Чита области, Могочинский районн Амазор посёлкаси) доимий ишлаш учун юборилади.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари керак: ариза, меҳнат дафтарчаси, паспорт ва ҳарбий билет (учётдан чиқарилган бўлиши керак).

Қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, 70-аloқа бўлими, Глинка кўчаси, 11-уй. Телефонлар: 55-44-22, 55-44-23, 55-29-51.

Театр

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 16/IX да **Икки дил достони.** Кичик экспериментал саҳнада **Телефон. Овоз.** 17/IX да **Петр Биринчи.**

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 16/IX да **Ака-ука совчилар,** 17/IX да **Ёшликда берган кўнгил.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 16/IX да **Парвона** (19.00), 17/IX да **Майсаранинг иши** (18.00).

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институти коллективи лаборатория мудири, техника фанлари доктори, профессор Ғ. Ҳ. Ҳожиметовга онаси

Ойшахар ҲОЖИМЕТОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

• *Аҳил оилалар даврасида*

БАРЧАГА ИБРАТ

Бешкент шаҳрида ажойиб бир хонадон бор. Бу уй соҳибларини бутун шаҳар танийди. Меҳнат ва Улуғ Ватан уруши ветерани Ҳамро Эшонқулов, унинг умр йўлдоши қаҳрамон она Ҳанифа Узоқованинг ҳурмат қилишади. Эр-хотин ўқитувчилик касбини улуғлаб, жуда кўп шогирдлар тарбиялашди.

Барчага ибрат бўлган хонадонда бугун яна тўй. Улар оиланинг саккизинчи фарзанди Улуғбекнинг Совет Армияси сафидан қайтиши муносабати билан тўкин дастурхон атрофига тўпланишган. Ота-онанинг қалблари нурга тўлган. Ўз тақдирларидан хурсанд бўлиб ўтирган табаррук инсонларга боқиб ҳавас қиласан киши.

Ҳамро ака ўғли Улуғбекка меҳр билан боқар экан ўзининг ёшлиги кўз олдидан кинолентадай ўта бошлади. Ҳаёл уни Улуғ Ватан уруши бошланган кунларга етаклади. 1942 йилгача кўп ўқитувчилар урушга кетганлиги туфайли бошланғич синфда ўқитувчи бўлиб ишлади. Давр тақозоси уни қўлга қурол олиб она-Ватанни ҳимоя қилишга чақирди. 1942 йили 18 ёшга тўлган Ҳамро қўнгиллилар сафида ҳарбий хизматга жўнади. Жанг майдонларида партия сафига қабул қилинган қашқадарёлик йигит 1946 йил август ойигача Берлин шаҳри ҳимоячилари сафида хизматни давом эттирди. Кўпгина жанговар орден ва медаллар билан тақдирланган Ҳамро 1947 йили қишлоққа қайтиб, ўқитувчилик қилди ва Бухоро педагогика институти тил ва адабиёт факультетига ўқишга кириб, уни муваффақиятли тамомлади.

Ҳамро ака билан Ҳанифа ая 11 та ўғил-қизни тарбияламоқда. Улардан 7 таси ўғил, 4 таси қиз. Илмга чанқоқ бўлган фарзандлар ўқишиб, касб-ҳунарли мутахассис бўлиб етишишди. Уларга ҳамманинг ҳаваси келади, бағрида ўғил-қиз тарбиялаётган Эшонқуловлар сулоласи ҳалол, фидокорона меҳнатлари билан ҳам барчага ўрнак. Тўнғич қизлари Зулайҳо — Толлимаржон касалхонасида врач. Собир — Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтининг Қарши филиалида ўқитувчи, Комил — «Москва» совхозида бош экономист. Баҳодир — олий ўқув юртининг сиртқи бўлими студенти, 4-механизациялашган кўчма колонна ишчиси. Зулфия — савдо ходими бўлиб ишламоқда. Шоди — «Каршистрой»да инженер-экономист. Шуҳрат — Самарқанд давлат медицина институтининг 4-курс студенти, Улуғбек — ТИИМСХ Қарши филиалининг 3-курс студенти. Алишер Совет Армияси сафида хизмат бурчини бажармоқда. Дилфуза «Москва» совхозидаги болалар боғчасида тарбиячи. Насиба — 9-синфда ўқийди. Бахтли оилада 19 набира тарбияланмоқда.

Ҳамро Эшонқулов пенсияга чиқиб, бир неча йилдан бери Бешкент шаҳридаги Садриддин Айний маҳалла комитетига раислик қилиб келмоқда.

Маҳаллани қўкаламзорлаштириш ва ободонлаштиришга ҳамиша бош-қош. Оилаларда тез-тез бўлади. Уларнинг тинч-тотувлик билан ҳаёт кечиришлари борасида суҳбатлар ўтказади. Бу соҳада Ҳамро аканинг хонадонидаги ширин, тотув ҳаёт катта ўрнак бўлаётир. Кўпчилик бу оилага ҳавас қилиб яшайди.

Редактор
Л. ҚАЮМОВ.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ
(«Советский Узбекистан»)
Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР
Издается на узбекском языке

Редакция адреси: 700083, ГСП, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими телефонлари — 33-21-43, 32-53-16, 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

• *Тингланг, томоша қилинг*

16 СЕНТЯБРЬ, ЖУМА

МТ-I. 7.00 — «120 минут». 9.05 — Мўъжизалар. 10.05 ва 16.00 — Янгиликлар. 16.15 — Қайта қуриш прожектори. 16.25 — Қўшиқ бу оламда мангу янграйди. 16.45 — Ҳужжатли фильмлар. 17.55 — Нега ва нима учун? 18.20 — Останкино концерт студиясида ишбилармон кишилар учрашуви. 19.20 — Дунё воқеалари. 19.35 — Мексика этюдлари. 20.05 — Шеърият лаҳзалари. 20.10 — «Шаҳриёданинг яна бир туни» Бадиий фильм. 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — Концерт. 22.45 — Нигоҳ.

МТ-II. 9.00 — Гимнастика. 9.15 — Илмий-оммабоп фильм. 9.35 — Тарих. 10.05 — Инглиз тили. 11.05 — СПТУ ўқувчиларига. 11.35 — География. 12.05 — Инглиз тили. 13.05 — «Нафрат сабоқлари». Бадиий фильм. 14.10 — Шаҳарлар ва йиллар. 14.55 ва 18.35 — Янгиликлар. 18.40 — Саёҳатчилар клуби. 19.40 — Ҳаракат хавфсизлиги учун. 20.10 — Рассом устахонасида. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 — Реклама. 20.50 — Горида II Бутуниттифоқ хор музикаси фестивали. 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — «Жабрланганларнинг даъвоси йўқ». Бадиий фильм. 23.50 — Янгиликлар. 23.55 — Музика эфирида.

УзТВ-I. 15.00 — Рус жилолари. 16.00 — «Эрта тонг». Бадиий фильм. 17.30 — Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари. 18.00 — Янгиликлар. 18.15 — Мультфильм. 18.30 — Амалдаги интернационализм. 19.00 — Театр ва замон. 20.00 — Ахборот. 20.15 — Ешлик. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Рушана Султонова рақсга тушади. 21.15 — Долларб интервью. 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси белгилаб берган йўлдан. 22.45 — «Кўшчинор чироқлари». Видеофильм. 1-қисм.

УзТВ-II. 19.35 — Торли квартет чалади. 20.05 — Совет хотин-қизлари. 20.55 — Беш йиллик: ишлар ва одамлар. **Фрунзе.** 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — Актуал мавзуларда суҳбат: икки тиллилик муаммолари. 23.15 — «Казак водий бўйлаб отда учиб ўтди». Бадиий фильм.

РАДИО

Биринчи программа. 8.30 — Ўзбекистон композиторларининг қўшиқлари. 9.30 — «Нилуфар» халқ ансамбли ижро этади. 9.45 — Халқ контроли радиопости. 10.15 — Қувноқ стратлар. 11.15 — Юность. 12.10 — Ўзбекистон бинокори. 12.30 — Концерт. 13.00 — Ўзбекистон чорвадори. 13.30 — А. Файнберг шеърлари билан айтиладиган қўшиқлар. 14.00 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун эшиттириш. 15.30 — Лениндан ўрганамиз. 15.50 — Ором болалар ансамбли ижро этади. 16.00 — Дўстларимиз овози. 18.15 — Бизнинг социалистик турмуш тарзимиз. 18.30 — Рубоббда Т. Ражабов чалади. 18.40 — Инсон ва қонун. 19.10 — Огонек. 19.40 — Бу ҳақда XIX партия конференциясида гапирилган эди. 20.15 — Ижтимоий фанлар ва ҳозирги замон. 20.30 — Ўзбекистон артистлари ижросида Шарқ халқларининг қўшиқлари. 21.30 — Олимпиада панорамаси. 23.10 — Бугун радиотеатрда. 00.15 — Тунги музикали программа.

Р. — 14142. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. А. — 213. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12